

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
(маъruzалар матни)**



**Наманган 2006**

Бакалаврият йўналишлари учун  
«Педагогик технология» фанидан  
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Ушбу маъруза матни ДТС талаблари асосида тайёрланган. Педагогика ва  
психология кафедраси кафедраси йифилишида  
кўриб чиқилган ва тавсия этилган.

Баённома №\_\_\_\_ «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2006 йил

*Кафедра мудири: \_\_\_\_\_ п.ф.н, доцент. Ў.Асқарова*

Педагогика факультети ўқув услугубий Кенгashiда муҳокама  
қилинган ва тавсия этилган.

Баённома №\_\_\_\_ «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2006 йил

НамДУ ўқув услугубий Кенгashiда муҳокама қилинган  
ва тавсия этилган

Баённома №\_\_\_\_ «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2006 йил

Ўқув-услубий кенгаш раиси \_\_\_\_\_

**Муаллиф:**           **3. Қорабоева**

**Тақризчи:**           **п.ф.н. доцент. М. Хайитбоев**

# **1-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ.**

Режа:

1. Педагогик технология-таълим тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи.
2. Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технология моҳияти ва муаммолари.
- 3.Педагогик технология фанининг мақсад ва вазифалари.
- 4.Педагогик технология тараққиёти тарихи.
- 5.Таълим ва тарбия технологияси.

## **Таянч иборалар:**

технология, педагогик технология, педагогик технология тарихи, таълим технологияси,тарбия технологияси, педагогик технология даражалари.

Ўзбекистонда таълим – тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири «шахс манфаати ва таълим устиворлиги»дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан бу моделни амалга ошириш билан ҳаётимиз жабҳаларида рўй берадиган «портлаш эфекти» натижалари рўйи-рост кўрсатиб берилди, яъни:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қиласи ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.;
- инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади;

- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;

- фуқаролик жамияти қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади

«Портлаш эфекти» сари шижаат билан қадам ташлаш, йўлларда учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш масалалари нафақат педагог назариячи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ **педагоглаштириш** муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбия асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик «қурол» ва воситалар билан таъминлаш давр тақазосидир.

Педагогик технология (ПТ) – шундай билимлар соҳаси, улар ёрдамида 3 – минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба ёшларда хурфиксрилилк, билимга чанқоқлик, ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равища шакллантирилади.

Маълумотлилик асосида ётувчи бош ғоя ҳам табиат ва инсон узвийлигини англаб етадиган, авторитар ва сохта тафаккурлаш усулидан воз кечган, сабрбардошли, қаноатли, ўзгалар фикрини хурматлайдиган, миллий-маданий ва умуминсоний қадриятлар каби шахс сифатларини шакллантиришни кўзда тутган инсонпарварлик ҳисобланади. Бу масаланинг ечими қайси даражада таълимни технологиялаштириш билан боғлиқ?

Дастлаб «технология» тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз теникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди ва юононча икки сўздан – «технос» (techne) – санъат, ҳунар ва «логос» (logos) – фан сўзларидан ташкил топиб «хунар фани» маъносини англатади. Бирор бу ифода замонавий технологик жараённи тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Технологик жараён ҳар доим зарурый воситалар ва шароитлардан

фойдаланган ҳолда амалларни (операцияларни) муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, технологик жараён – бу меҳнат қуроллари билан меҳнат объектлари (хом ашё)га босқичма-босқич таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш борасидаги ишчи (ишчи-машина)-нинг фаолиятидир. Ана шу таърифни тадқиқот мавзусига кўчириш мумкин, яъни: **ПТ – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиши (тарбия) воситалари ёрдамида ўкувчи(талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараёндир.**

Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, ПТ тушунчасини изоҳлашда технология жараёни асос қилиб олинди. Аслини олганда ҳам бу тушунчага берилган таърифлар сони педагогик адабиётларда ниҳоятда кўпdir. Педагогик нашрларда «технология» атамасининг хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин: «ўқитиши технологияси», «ўқув жараёни технологияси», «маълумот технологияси» ва ҳоказо.

Ўқитиши технологияси ПТга яқин тушунча бўлса-да, айнан ўхшаш маънони англатмайди, чунки у маълум предмет, мавзуу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материалини ўзлаштириш йўлини муайян технология атрофида ифода этади. У кўпроқ хусусий методика билан бир жинслидир.

ПТ эса маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва «ўқитувчи – моддий муҳит – ўкувчи (талаба)» функционал тизим қонуниятларига тегишли билимлар асосида қурилади.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажратса олмаяптилар. Шу боисдан бу тушунчалар-ни аниқлаштириш керак бўлади. Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Методикадан кўзланган аниқ мақсад предмет мавзуларига оид назарияларни аниқ ҳодисалар текислигига кўчиришдир. Мисол учун, газ қонунлари тушунчаларини шакллантириш методикаси ёки

энергиянинг сақланиш қонунини физика курсининг электр бўлимида қўллаш методикаси ва ҳ.к.

ПТ ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташки-лий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларини қуриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳи-собга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишини таъминлай-ди. Ёхуд ПТ ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган муолажалар йифин-дисидир. Технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларнинг турғунлиги, самарадорлиги, олдиндан лойиҳаланиш зарурати билан методикадан фарқланиб туради.

Шу билан биргаликда маълум вақт давомида ПТ ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинади. Фақат 70-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгича талқин этила бошланди. Япон олими Т.Сакамото томонидан «ўқитиш технологияси - бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси» эканлиги эътироф этилади.

Объектив борлиқни ўрганишнинг тизимли ёндашиш методи фанда кенг кўламда қўлланилгач, унинг таъсири остида аста-секинлик билан ПТ моҳиятига ҳам аниқлик киритилди: рус олимаси Н.Ф.Тализина технологияни «белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усулларини аниқлашдан иборат»деб тушунтиради. Шунингдек, оима замонавий ўқитиш технологияси ҳақида фикр юритиб, уни алоҳида фан сифатида қараш лозимлигини ўқтиради: «Ўқитиш технологияси – бу ўқув жараёнини нима реал тавсифласа ўша, ўқитувчига ўрнатилган мақсадларга эришиш учун нимага таяниш зарур бўлса ўша» Бу алоҳида фан .

ПТни фан сифатида эътироф этиш Г.К.Селевко томонидан ҳам маъқулланди: «Педагогик технология ўқитишнинг бирмунча оқилона йўлларини тадқиқ қилувчи **фан** сифатида ҳам, таълимда қўлланиладиган усуллар, принциплар ва регулятивлар сифатида ҳам, реал ўқитиш жараёни сифатида ҳам мавжуддир» . Олимнинг таъкидлашича «педагогик

технология» тушунчаси таълим амалиётида уч иерархик даражада ишлатилади:

- 1) Умумпедагогик (умумдедактик) даража; умумпедагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) технология маълум минтақада, ўқув юртида, маълум ўқитиш босқичида яхлит таълим жараёнини тавсифлайди.
- 2) Хусусий методик (предметли) даража: хусусий предметли ПТ «хусусий методика» маъносида қўлланилади, яъни таълим ва тарбиянинг аниқ мазмунини жорий этиш методлари ва воситалари йиғиндиси сифатида бир предмет, синф, ўқитувчи доирасида қўлланилади (фанларни ўқитиш методикаси, ўқитувчи, тарбиячининг ишлаш методикаси).
- 3) Локал (модулли) даража: локал технология ўзида ўқув-тарбиявий жараённинг айрим қисмларини, хусусий дидактик ва тарбиявий масалалар ечимини ўзида мужассамлаштиради (алоҳида фаолият турлари технологияси, тушунчаларни шакллантириш, алоҳида шахс сифатларини тарбиялаш, дарс технологияси, Янги билимларни эгаллаш, мустақил ишлаш технологияси ва бошқа).

И.Я.Лернернинг фикрича, ПТ – «ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган ва Аниқланадиган мақсадни ифодалашни тақазо этади» .

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, ПТ белгиланган бошланғич мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш сифатида талқин этилаяпти. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса унинг бир ёқламалиги кўзга яққол ташланади ёки бундай ёндашувларда ўқувчи шахси инкор этилаяпти. Бу камчиликни биринчи бўлиб академик В.П.Беспалько пайқади ва ўзининг йирик асарида «ПТ – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир» деб таърифлади .

Бу таъриф мазмунидан муҳим илмий принципларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ПТ ўқувчи (талаба)ларда маълум ижтимоий тажриба элементларини шакллантириш учун лойиҳаланади;
- лойиҳаланган тайёр технологияни амалга ошириш фан ўқитувчисидан катта маҳорат талаб этмайди;
- якуний натижা, албатта, кафолатланади.

ПТ тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилмахиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ечилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, ПТни амалиётга жорий этишга бўлган уринишлар натижасини ифодалайди.

Қатор йиллар давомида ПТ назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинди. Натижада ўқитиши жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоклашиб кетмоқдалар. Мисол учун, 60-йилларда катта шов-шувга сабаб бўлган «Дастурли таълим» (Программированное обучение) ёки 70-йилларда собиқ иттифоқ миқёсидаги «Шаталовчилик ҳаракат»ини эслаш кифоя.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши ПТнинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Фикримизча, янги ПТ педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. ПТ бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради.

Дарвоқе, ПТга «янги» сўзни кўшиб ишлатилиши назариячи олимлар ва ўқитувчиларни бир қадар ўйлантириб қўйди, эндиликда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини англашга

ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан, «янги ПТ» нимани англатади? Бу саволнинг ечимини изоҳлашга ҳаракат ҳиламиз.

Биринчидан, ПТ таълим (тарбия) жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Бинобарин, ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос ҳолда маълум педагогик тизим (мактаб, коллеж, олий ўқув юрти) мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказади ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. «Мақсад» эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни: «ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитдан тўла холис этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш» деб белгиланади. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгиланиши табиийдир.

Иккинчидан, фан ва техниканинг фивожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб боряпти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар (саноат, қишлоқ хўжалиги, электрон, ахборот ва бошқа) кириб келмоқда. Рўй бераётган сифатий ўзгаришлар шундан далолат берадики, эндиликда «ўрганиш»нинг бирламчи жараёнлари анъанавий методика ва ўқитиш воситалари ромига сифмай, ўқитувчининг индивидуал қобилиятларига мос келмай қолди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараённинг ажралмас қисмига айланиб бораётган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, полиграфик, аудиовизуалли воситалар мавжудки, улар янги ПТни реал воқеликка айлантиради.

ПТ моҳият жиҳатдан бошқа тенологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва

воситаларига эга, маълум «материал» билан иш кўради. Бироқ ПТ инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш, биологик, ҳатто ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос томонлари – тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

ПТ бошқа соҳалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Афсуски, бу жараён ҳозирги таълим тизимида жуда қийин кечяпти, ҳақиқий компьютерли ПТ ўзининг илмий ишланмасини кутяпти: «компьютерларнинг шу кундаги қўлланиши-экстенсивлик холос: анъанавий ўқув курслари шунчаки экран мониторига жойлаштириляпти». Шу ерда ПТ ва ахборот технологияси ўртасидаги ўзаро муносабатни ойдинлаштириш лозим бўлади. Кейинги вақтларда баъзи бир олимлар (айниқса информатика фани вакиллари) ПТни ахборотлаштиришга қўшиш ёки тенглаштириш (баъзан устун қўйиш)ни ёқламоқдалар. Бу уринишлар агар хато бўлмаса, шубҳасиз «подадан олдин чанг чиқаришдир». Ўқув-тарбиявий жараённи технологиялаштириш тарихий (айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб) воқелик ва жараёндир. Ахборотлаштириш бу жараёндаги инқилобий «бурилиш», унинг муҳим босқичидир. Оддий тил билан айтганда таълимда ахборот технологияси – бу «ўқувчи-компьютер» ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология ПТнинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошланди. Келажакда иқтисодий бўхронлар ортда қолиб ўқув юртлари дастурли «машина» билан етарли даражада таъминланади. Шундагина ахборотли технология асосида ўқувчи (талаба)ларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади ёки унинг функцияларини тўлиқ бажариши мумкин.

Таълимни технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёт йўналиши билан белгиланишини эътироф этган ҳолда ПТнинг ўзига хос томонлари ва яқин келажақда у билан боғлиқ вазифаларни белгилашга ҳаракат қиласиз:

- 1) кўп босқичли таълим тизимида ПТнинг ўрнини асослаш ва зарурий тавсияномалар ишлаб чиқиш;
- 2) замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология, эргономия каби соҳа технологиялари билан ПТларни мунтазам равишда янгилаб бори шва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;
- 3) истиқболи ўқитиши воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор ПТларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш;
- 4) тегишли бошқарув органлари (Таълим марказлари) томонидан ўкув муассасалари фаолиятида янги ПТларни татбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш;
- 5) республикамиздаги олий (ўрта маҳсус, қасб-хунар, мактаб) таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагог ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш;
- 6) республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчилар иш услубларини мунтазам ўрганиб бори шва улар томонидан яратилган методикаларни Янги педагогик технология даражасига қўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш;
- 7) ўқитувчи фаолиятини педагогик технология қонуниятларига мослаштириш муаммолари ва бошқалар. Хўш, белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва назорат қилишни ким ўз зиммасига олиши мумкин? Эҳтимол, таълим марказларининг вазифасидир? Ёки ҳар қайси таълим муассасалари ўз ҳолиҷа ечаверадими? Биз бу саволлар билан таълим

соҳасидаги у ёки бу бошқарув органларига вазифа юклаш фикридан йироқмиз. Айни шу кунларда ваколатли давлат органларининг кун тартибида ҳам ПТ муаммолари турганлигига шубҳа йўқ.

Фикримизча, илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш ва ҳаётга татбиқ этиш муаммоси мамлакатимизда ҳам ривожланган давлатлар қатори янги корхона – «Педагогик технология Давлат Маркази»ни тузишни тақазо этади. Агар шундай Марказ ташкил этилса, биринчи навбатда «портлаш эфекти» сари йўлни қисқартиришга ҳисса қўшган бўларди. Учинчи минг йилликда таълим тараққиётининг ҳаққоний двигатели сифатида ўқитувчи фаолиятини янгилашга, таълим-тарбия жараёнини мақбул (оптимал) қуришга, талаба ёшларда ҳурфиксрилилк, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатар эди.

### **1.1. Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи**

Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйиляпти: ижтимоий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия соҳасининг ислоҳ қилиниши педагогика фанини фивожлантириш учун қулай имкониятлар яратиб берди. Эндилиқда кишилик жамияти томонидан узоқ йиллар давомида яратилган тарбия тажрибаларини ўрганиш ват адқиқ қилиш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Шўролар тузуми даврида барча ижтимоий фанлар каби педагогика ҳам коммунистик мафкура қобиги билан ўралган, унинг ривожланиш меъёри чекланган, илғор чет мамлакат ғоялари эса буржуа ғоялари, деб танқид қилинар ва рад этилар эди. Ҳолбуки ҳар қандай ғоя ҳам ўзида маълум ижобий жиҳатларни мужассамлаштириши мумкин, уларни амалиётга жорий этиш фойдаладан холи эмас эди. Жумладан, педагогик технология (ПТ) ҳам буржуа дидактикасига тегишли йўналиш сифатида қараб келинди ва бу муаммони тадқиқот объектига айлантиришнинг иложи йўқ эди.

Бугун малакатимиз истиқтоли шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил

қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш даври келди. Миллий дастурда таъкидланганидек, яқин келажакда «кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устивор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади» .

Бу фаслда биз педагогик технология назариясининг вжудга келиши ва ривожланиши тарихига назар ташлаймиз.

30-йилларда «педагогик техника» тушунчаси маҳсус адабиётларда пайдо бўлди ва у ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида қаралди. Шунингдек, бу даврда ПТ деб ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан муомала қилишни уddaлаш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш тушунилди.

40-50-йилларда ўқув жараёнига ўқитишнинг техник воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси ПТга тенглаштирилди.

60-йилларнинг ўрталарида бу тушунча мазмуни чет эл педагогик нашрларда кенг муҳокамага тортилди. 1961 йилдан бошлаб АҚШда «Педагогик технология» (Educational Technol-ogy), 1964 йилдан Англияда «Педагогик технология ва дастурли таълим» (Technology and programmed Learning). Японияда эса 1965 йилдан «Педагогик технология» (Educational Technology) журналлари чоп этила бошланди. 1971 йилда худи шу номли журнал Италияда чиқарила бошланди.

ПТ муаммосининг ўта долзарблиги ҳисобга олиниб, унинг илмий асосларини тадқиқ қилиш мақсадида маҳсус корхоналар тузилди. Мисол учун, 1967 йилда Англияда педагогик технология Миллий Кенгаши (National council for Educational Technology) ташкил этилди ва 1970 йилдан бошлаб «Педагогик технология журнали» (Journal of Educational Technology) чиқа бошлади. АҚШнинг қатор университетлари ва илмий марказларида ҳам ПТ муаммоларига жиддий эътибор берилди. 1971 йилда маҳсус «Коммуникация

ва технология Ассоциация»си (Association for Educational Communications and Technology) фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда бу ташкилотнинг барча штатларда ва Канадада 50 дан зиёд филиаллари ишлаб турибди.

Японияда ПТ муаммолари билан тўртта илмий жамият шуғулланмоқда, фаол ҳаракатдаги педагогик технология Марказий Кенгашининг 22 та давлат университетларида марказлари мавжуд. Ҳар уч ойда япон тилида чиқадиган «Педагогик технология соҳасидаги тадқиқотлар» (Educational Technology Research) журналларида йирик олимларнинг илмий ишлари ўз ўрнини топмоқда. Яқинда Умумяпон педагогик технология Марказий Кенгashi (The Japanese Council of Technology Centers) тузилиб, бу соҳада халқаро алоқалар ўрнатиш ишлари билан маҳур.

Дидактиканинг бу йўналишига эътибор ниҳоятда ошиб боришини 70-йилларда ўtkазилган қатор халқаро конференциялар тасдиқлайди. Шундай халқаро конференциялар 1966 йилдан бошлаб ҳар йили баҳорда Англиядаги ўтказилиб келинади ва анжуман материаллари «Педагогик технология жиҳатлари» (Aspects of Educational Tec-hnology) номида нашр қилинади.

Шу каби маълумотларни келтиришни ғарб давлатлари мисолида яна ҳам давом эттириш мумкин, бироқ 1 – чизма бунга эҳтиёж қолдирмайди. Юқоридагиларнинг ўзиёқ ПТ педагогика назарияси ва амалиёти соҳасидаги алоҳида ҳодиса сифатида диққат марказда турганлигини, 60-йиллардан бошлаб чет элларда янги йўналиш сифатида шаклланганлигини таъкидлаб турибди. Тахлилларнинг кўрсатишича, бу даврда ПТ икки йўналишда муҳокама қилинади ва ривожлантирилади: биринчиси – ўқув жараёнига техник воситаларини қўллаш билан боғлиқ бўлса (шу жумладан дастурли таълимнинг техник воситалари), иккинчиси – ўқитиш технологияси масалаларини, яъни ўқув материалларни таҳлил қилишдан тортиб таълим жараёнини турлича нашрли ва техник воситалардан жамулжам фойдаланган ҳолда тизимли ташкил этишга қадар бўлган кенг доирадаги муаммоларни қамраб олади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Педагогик технология моҳияти нимада?
2. Педагогик технология фанини мақсад ва вазифалари?
3. Технологияни бугунги кундаги муаммолари қандай ?

## **2-мавзу: Ҳозирги замон ноанъанавий таълими**

### **Режа:**

1. Аньанавий ўқитиши методлари.
2. Ноанъанавий ўқитиши методлари.
3. Аньанавий таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари.
4. Ноанъанавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Ривожлантирувчи таълимнинг моҳияти.

Таянч иборалар:

Аньанавий ўқитиши модели, ноанъанавий ўқитиши модели, ривожлантирувчи таълим, моделлаштириш, аньанавий дарс, ҳамкорликда ўрганиш модели, тадқиқот модели.

### **Аньанавий ўқитиши моделлари**

Ўнлаб йиллаб ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, аньанавий дарс ўтиш таълимнинг ўзига хос моделларидан бири бўлиб қолмоқда.

Аньанавий дарс – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш ёритиш, мустаҳкамлаш ва якунлаш босқичларидан иборат таълим моделиdir.

Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, аньанавий дарс – кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир методи бўлиб қолмоқда.

Маълумки, аньанавий дарсда таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради. Шу боис баъзида аньанавий дарсни марказида ўқитувчи турган ўқитиши усули деб ҳам аташади.

Марказда ўқувчи бўлган ўқув жараёнининг, дарснинг мақсади ва унинг ижобий жиҳатлари қуйида келтирилган асосларга таянади:

- Ўқувчининг ўқишига бўлган иштиёқини ошириб бориш;
- Илгари эгаллаган билимларни ҳам инобатга олиш;
- Ўқиши жараёни тезлигини мувофиқлаштириш;
- Ўқувчи ташаббуси ва мажбуриятини қўллаб-қувватлаш;
- Амалиёт орқали ўрганиш;
- Икки томонлама фикр-мулоҳазалар билан таъминлаш;
- Ўқиши жараёнини тўғри йўлга қўйиш;
- Ўқитувчи-ўқувчилар учун ўқув жараёнини енгилаштирувчи шахс;
- Ўқув жараёнини баҳолаш.

Анъанавий дарс ўтиш моделида қўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Шу сабаб, бу ҳолларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб ўқувчилар таълим жараёнигин пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли – туман ўқувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келар экан.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очища бахс, мунозара, ақлий хужум, кичик гурухларда ишлаш тадқиқот ролли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларнинг келтирилиши, ўқувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш ранг-баранг баҳолаш усусларидан фойдаланиш таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Анъанавий дарс ўтишнинг асосий таркибий қисмлари

## 1. Кириш.

- ўтган материални тақрорлаш
- дарс мақсадини тушунтириш
- дарс мазмуни ва режаси билан таништириш.

## 2. Янги мавзуни ёритиш.

- янги мавзуни кичик-кичик бўлакчаларга бўлиб бериш
- ранг-баранг мисоллар имкони борича кўргазмали тақдим қилиш
- мавзудан чеклашмаслик
- материалнинг мураккаб томонларини қайта тушунтириш
- ўқувчиларнинг тушунувчанлик даражасини текшириб бориш
- тескари алоқани таъминлаш.

## 3. «Тета – поя» машқ.

Бирор мисол (ёки масалани) ўқувчилар билан қадамба-қадам ҳал қилиш ва таҳлил қилиш.

## 4. Йўналтириб турилувчи машқ.

Ўқувчилар машқ (ёки масалани) мустақил бажаришади ўқитувчи эса уларни назорат қилиб, тузатиш киритиб боради.

## 5. Мустақил бажариладиган машқ.

Ўқувчилар машқни мустақил ҳолда ўқитувчи ёрдамисиз бажарилади.

## 6. Ўқувчилар тушунарлилик даражасини текшириш.

## 7. Якунлаш

Дарс мавзусининг асосий тушунчалари ва ўкув мақсадларини жамлаш.

## **Ўқитишининг ноанъянавий моделлари**

Бу моделларни шартли равишда 3 га ажратиш мумкин.

- ҳамкорликда ўрганиш модели
- моделлаштириш
- ўрганишнинг тадқиқот модели.

Бу моделлар асосан ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб уларни бошқача қилиб марказда ўқувчи турган таълим моделлари деб ҳам аташади.

Моделлаштириш – реал ҳаётда ва жамиятда юз беряётган ходиса ва жараёнларни ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини (моделини) синфхонада яратиш ва уларда ўқувчиларни шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи метод.

Ҳамкорликда ўрганиш модели – ўқувчиларни мустақил гурӯхларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган метод.

Ўрганишнинг тадқиқот модели – ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи метод.

Анъанавий (таълим жараёни марказида ўқитувчи бўлган) методалрнинг

### **АФЗАЛЛИКЛАРИ**

- Маълум кўниқмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали.
- Ўқитувчи томонидан ўқитиши жараёнини ва ўқитиши мухитини юқори даражада назорат қилиниши.
- Вактдан унумли фойдаланиш.
- Аниқ илмий билимларга таянади.

### **КАМЧИЛИКЛАРИ**

- Ўқувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар.
- Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди.
- Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди.
- Эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир хил бўлмагалиги сабабли, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин.

- Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилади.

Ноанъанавий (таълим жараёни марказида ўқувчи бўлган) ўқитиш методларининг

### **АФЗАЛЛИКЛАРИ**

- Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши.
- Ўз вақтида алоқаларнинг таъминланиши.
- Тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши.
- Ўқитиш усулларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши.
- Мотивациянинг юқори даражада бўлиши.
- Ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиши.
- Мулоқотга киришиш қўникмасининг такомиллашиши.
- Ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши.
- Ўқувчиларнинг предметнинг мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати.
- Мустақил фикрлай олдаиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериш.
- Нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикралашни ҳам ривожлантириш.
- Муаммолар ечиш қўникмаларнинг шаклланиши.

### **КАМЧИЛИКЛАРИ**

- Кўп вақт талаб этилиши.
- Ўқувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги.
- Жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши.

- «Кучсиз» ўқувчилар бўлганлиги сабабли «қучли» ўқувчиларнинг ҳам паст баҳо олиши.

Ўқитувчининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

Ўқитиши жараёнидаги мавжуд анъанавий таълим билан қуролланган таълим муассасалари эндиликда ўз олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмани амалга оширишга ожизлик қилмоқда.

Таниқли дидакт олим М.Н. Махмутовнинг фикрига кўра, ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий схемаси ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини етарли даражада ривожлантира олмайди, уларнинг билимга бўлган эҳтиёжларини, фанга бўлган қизиқишиларини қондира олмайди, фаол фикрлашни ҳамда билишни эътиқодга, эътиқодни эса онгли ижтимоий мақсадга мувофиқ фаолиятга айлантиришни таъминлай олмайди.

Мактаб, касб-ҳунар коллжи ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг илғор тажрибалари ёритилган материалларни ўрганиш, шунингдек, кузатишлар ва сухбатлардан маълум бўлишича, уларнинг кўпчилиги ўз амалий фаолиятларида кучсиз авторитар мотивга асосланган бир ҳилдаги ўқитиши жараёнларини қисман ўзгартирган ҳолда фойдаланишади. Бундай ҳолларда ўзлаштиришнинг юкори даражасига деярли эришиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, анъанавий таълим жараёнини замонавий педагогик технологияларга асосланган ноанъанавий таълим жараёни билан таққослаганда улар ўртасидаги фарқ аниқ қўзга ташланади. (Жадавалга қаранг).

Таълим жаарёнининг ўзига хос босқичлари, хусусиятлари	Анъанавий таълим жараёни	Замонавий педагогик технологияларга асосланган ноанъанавий таълим жараёни
---	--------------------------	---

1	2	3
Педагогик муносабатлар типи.	Субъект-объект	Субъект-объект
Педагогик муносабатлар типи.	Авторитор	Инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, ўзаро ҳамкорлик.
Дарснинг мақсади	Билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ўқув материалини тушуниш.	Шахснинг қизигиши, мотивини ривожлантириш, ақлий, маънавий-аҳлоқий, руҳий ва жисмоний баркамоллигини таъминлаш.
Таълимнинг ҳаракатлантирувчи кучи	Таҳдид, буйруқ, таъқиқлаш, жазолаш, баҳо, бошқаларга таққослаб, шахсни камситиш ёки рағбатлантириш.	Билиш қувончи, ўзидаги ижобий ўзгаришларни хис қилиш, ўзига ва ўз билимига ишончнинг пайдо бўлиши, ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш, ўзаро ҳамжихатликка асосланган қулай ижтимоий психологик муҳит
Ўқувчининг вазифаси	Ахборотни қабул қилиш, ёдлаш, ахборотни қайта ишламаган ҳолда жавоб бериш ва тегишли баҳони кутиш.	Ўқув топшириқлари ва муаммони ҳал этишга оид индивидуал, гурӯҳли изланишларда иштирок этиш, доимо ўз билимини бойитиш ва мустаҳкамлаш мақсадида мунтазам ва сидқидилдан меҳнат

		қилиш, ўзини, иқтидорини намоён этиш.
Таълимнинг якуний натижаси.	ДТС ва дастур талабларига мос билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиига эришиш.	Ўқувчиларнинг ақлий, маънавий-аҳлоқий, жисмоний, руҳий баркамоллигига эришиш, билимларни эгаллаш усуллари, ўзлаштирган билимларни янги, кутилмаган вазиятларда қўллашга ўргатиш, ўз устида мустақил ва мунтазам ишлаш кўникмаларини хосил қилиш.

Анъанавий таълим технологияларига асосланган маъруза, семинар, синов дарсларининг таълим жараёнида тутган ўрни ва қимматини камайтирган ҳолда, уларни ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштириш йўллари устида қайғуриш зарур.

Мазкур дарсларни такомиллаштиришда қўйидагиларга эътибор қаратилиши кўзда тутилади:

1. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва ва демократлаштириш. Ҳамкорлик педагогикасига амал қилиш.
2. Таълим жараёнини демократлаштириш. Ўқувчиларга танлаш хуқуқини бериш.
3. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, ўзаро ҳамжихатликка асосланган қулай ижтимоий – психологик мухит яратиш.

4. Ўқувчиларнинг ижодий ва мустақил ишларини самарали ташкил этиш.
5. Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда замонавий таълим технологияси элементларидан фойдаланиш.

Бугунги таълим жараёни педагогнинг шахсга бўлган инсонпарварлаштирилган муносабати болаларни севиш, уларнинг тақдири учун қайғуриши, болаларга ишончнинг юқорилиги, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлиши, таълим олувчиларни тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш ва аксинча ижобий рағбатлантиришнинг усутнлиги туфайли кўзланган мақсадга эришиш, болалар фаолиятида учрайдиган камчиликларга чидамли бўлиш, уларни бартараф этишнинг самарали усусларини қўллашда намоён бўлса, таълим жараёнини демократлаштириш эса ўқитувчи ва ўқувчилар хуқуқларини тенглаштириш, таълим жараёнида таълим олувчиларга танлаш хуқуқининг берилиши, ўз фикри, нуқтаи назарини эркин баён этишни ақозо этади.

Ноанъанавий таълим жаарёнида ўқувчилар ва ўқитувчилар муносабатининг ўзига хос жиҳати ўқувчилар мустақиллиги ва ўқув фаолиятини бошқариш эмас, балки ҳамкорликда ташкил этиш, таълим олишда мажбурлаш эмас, балки ўқувчиларни ишонтириш, бирор-бир фаолиятни амалга ошириш буйруқ орқали эмас, балки шу фаолиятни самарали ташкил этиш, шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши, имкониятларини чегаралаш эмас, балки эркин танлаш хуқуқини бериш саналади.

Янги муносабатларнинг асосий моҳияти, анъанавий таълимда кўзда тутилган натижаларни бермаётган мажбуран ўқитишдан воз кечиш ва унинг ўрнига:

- ўзаро ишончга асосланган талабчанлик;

-таълим жараёнини самарали ташкил этиш орқали ўқувчилар ўртасида қизиқиш уйғотиш ва онгли интизомни вужудга келтириш;

- ўқувчиларни мувафаққиятли билим олишга йўлловчи ҳамкорликнинг пайдо бўлиши;
- мунтазам фаолиятнинг ташкил этилиши;
- тегишли талабларни жамоа орқали қўллашни амалга ошириш мухим саналади.

Ноанъанавий таълим жараёнини ташкил этишда:


- ўрта савияли ўқувчига нисбатан мўлжал олишдан воз кечиш;
- ўқувчиларнинг энг яхши сифатларини аниқлаш ва ривожлантириш;
- таълимда психологик-педагогик диагностикани қўллаш орқали ўқувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжи, қобилияти, шахсий сифатлари, ақлий фаолиятнинг хусусиятларини аниқлаш;
- ўқувчилар ўзлаштирадиган билим, кўнирма ва малакалар динамикасини тасаввур қилиш;
- ўқувчи шахси ривожланишининг дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

## **Анъанавий таълим**


## **таълим**

## **Ривожлантирувчи**


### **Бошланғич (асосий) мақсад**



жаҳон стандарти талабига  
жавоб берадиган, ўзига  
муносабатини билдира  
оладиган, мустақил фаолият  
юрита оладиган ижодкор,  
тадбиркор шахсни тайёрлаш,  
мустақил ишлашга, ўз-ўзини  
тарбиялашга шароит яратиш



уларни излашга, топишга  
ўргатиш.



**Дарс вақтида ўқувчилар фаолиятини  
ташкил этиш шакллари**



**Назорат саволлари**

1. Анъанавий таълимнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг?
2. «Ноанъанавий таълим» тушунчасини изоҳланг?
3. Замонавий ўқитиши жараёнини такомиллаштириш зарурати нима учун пайдо бўлади?
4. Ноанъанавий – дарсга нисбатан қандай талаблар қўйилади?

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Т. «Ўзбекистон» 1998 йил.
2. Сайидаҳмедов Н. «Янги педагогик технологиялар». Т. «Молия» 2003 йил.
3. Фарберман В. «Илғор педагогик технологиялар». Т. «Фан» 2000 йил.
4. Ишматов Қ. «Педагогик технология». Наманган 2004 йил.
5. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Осиё тараққиёт банки ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Тошкент-2002 йил.

### **3-МАВЗУ. Таълим жараёнида тест технололгиясининг афзаллиги.**

#### **Режа:**

1. Тестнинг ривожланиш тарихи.
2. Тестларнинг турлари
3. Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар.
4. Тестлардан фойдаланиш технологияси.

#### **Таянч иборалар:**

Тест, педагогик тестлар,психологик тестлар,тест синовларининг афзалликлари, АҚШда тест тизими,тест турлари,тестларга талаблар.

Тест (ингл. - синов биринчи бор 1864 йилда Буюк Британияда Ж. Фишер томонидан ўқувчиларнинг билим даражасини текшириш учун кулланилган. Тест синовларининг назарий асосларини кейинчалик инглиз психологи Ф. Гамелтон ишлаб чиқди. Тест синовлари дастлаб психология фанлари доирасида ривожланди. XX аср бошида эса тест синовларини ишлаб чиқишида психологик ва педагогик йўналишлар бир-биридан мустақил ажрала бошлади. Педагогик тест синовлари биринчи марта Америкалик психолог Э. Торндайк томонидан ишлаб чиқилди. Психология ва педагогикада тест синовларининг ривожланиши билан математик методлар :ҳам қўлланила бошланди. Бундай методлар ўз навбатида тестларни ишлаб чиқишига ижобий таъсир кўрсатди.

XIX аср охири XX аср бошларида тест синовларига талабаларнинг ўқув қобилиятларини баҳолаш воситаси сифатида қараш анча кучайди. Айнан шу даврдан бошлаб тест синовлари икки асосий йуналиш: ақлий (интелектуал) ривожланиш даражасини аниқлаш тестларини яратиш ва қуллаш ҳамда ўқувчиларнинг ўқиши қобилиятларини ва билимларини баҳолашга мулжалланган педагогик тестларни яратиш ва қуллаш соҳалари ривожлана бошлади.

Тест тузувчилар турли одамларда реакция вақти бир хил эмаслигини аниқладилар, бу эса одамларининг ақлий (интелектуал) қобилиятларини

ўрганиш зарурлиги ва турли даражадаги тестлар яратиш усулида амалий ишлар олиб бориш лозимлиги туғрисида хulosа чиқаришга олиб келади. Тест синовларининг асосий мақсади ҳам ўтилган дарсларни ўзлаштириш даражасн туғрисида, ҳам навбатда ўрганилиши лозим бўлган дарс ҳажми туғрисида ўқитувчига ахборот бериш; ўқитувчига ўқитиш методини танлашда ёрдам беришдан иборат деб ҳисобланган. Ўкувчиларнинг билимларини баҳолашнинг турли усулларини таҳлил этиб, тестларни гурухларга ажратишга ўрганиб кўрилган. Ч.Грин (1926) узининг «Тест нового типа» (Янги турдаги тест) номли монографиясида илгари яратилган ва ишлатиб кўрилган тестларнинг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиб қуидаги тавсияларни берди.

- тест синовлари учун мулжалланган материал ҳажмини аниқ белгилаш ва унинг таркибидаги энг муҳим қисмларини ажратиб олиш;
- мазкур материал учун тест синовларининг энг мақбул шаклини тажриба йўли билан аниқлаш;
- ўкувчиларнинг тест синовлари вақтида жавоб беришлари ўртacha тезлиги тўғрисидаги амалий маълумотларни эътиборга олган ҳолда, тест синовларининг давом этиш вақтини белгилаш;
- тест синовлардаги фикрларни баён қилиниш тилининг Тўғрилигини ва мантиқсан мувофиқлигини текшириш;
- топшириқларни мураккаблиги ортиб барит тартибида жойлаштириш, туғри ва нотугри жавобларнинг доим бир навбатда алмашинишига йул қўймаслик.

Ч.Рассел тест синовларининг натижаларини ўрганишни давом эттириб, тест синовларининг мақсади туғрисидаги саволга жавоб беришга эришди. Расселнинг фикрича, тест синовларининг мақсади ўкувчиларнинг билимларини баҳолаш ёки уларнинг ақлий ривожланиши даражасини аниқлаш билан чекланмайди ва тестларни- куидаги холларда: қайси материалдан бошлаб ўрганиш зарурлигини таъминлашда; ўкувчиларни гурухларга тақсимлашда;

ўқитиш жараёнида содир бўладиган қийинчиликларни олдиндан аниқлашда;

шунингдек мамлакатнинг турли ноҳияларидағи ўқув юртларида маълум ёшдаги ўқувчиларнинг ютўқларини таққослашда қўллаши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, Америка мактаб директорлари . Ассоциациясининг тест синови ўтказмасдан таълим бериш мантиқиздир, факат тести қўллаш натижасидагина назоратдан таълимга йўналтирилган қайтувчан алоқа ҳақида фикр юритиш ва қандай йўналишда харакат қилишни билиш мумкин, деган фикрлари маълумдир.

Франция парламенти 1989 йилда таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида қонун қабул қилди. Унда, хусусан, ўқувчилар билимини холисона баҳолаш усули бўйича ўқитувчилар мажбурий суратда тайёргарликдан ўтишлари кўзда тутилади: Бу сиз 1992 йилдан бошлаб Францияда ўқитувчилик қилишга рухсат этилмайди. Шуниси қизиқки, Франция тўқсон йиллик тест анъаналарига зга бўлган давлатдир.

Қобилиятни белгилаш ва баҳолаш бўйича, айниқса; иқтидорли-истеъодли болаларни аниқлаш бўйича психологик тестлар, шунингдек касбга йуналтириш мақсадида, ходимларнинг тайёргарлик даражасини белгилаш ва уларни саралаш мақсадида тестлар ривожланган мамлакатларда кенг қўллана бошлади.

70-йиллар охирида Петербургдаги Карнеги- Мелон университетининг бир грух социал-психологлари АҚШда тест ўтказишининг замонавий ахволини ўрганишга бағишлиланган маҳсус тадқиқот олиб бордилар. Аслида, тадқиқотчиларнинг мақсади АҚШ ўқув ютидаги тестларни кенг миёсда қўллаш сабабларини аниқлаш эди. Бу тадқиқот натижасида қуйидагилар аниқланди тест синови Америка ҳаётида чуқур илдиз отган, ҳеч ким Америка мактабларида турли хилдаги стандартлаштирилган тест бўйича синовдан ўтмасдан, бошқача йўл билан билим олишни давом эттира олмайди, ишга жойлашиш, кейинчалик эса юқори лавозимга кўтарилиш ёки малака ошириш тест билан чамбарчас боғланиб кетганлиги алоҳида қайд қилинди. Тадқиқотда америкаликларни тестларга бу қадар мойилликларининг учта сабаблари келтирилди:

- 1) инсон омилидан имкон барича самарали тарзда хизмат манфаатлари нүктаи назаридан фойдаланиш;
- 2) ижтимоий келиб чиқишидан истеъдодларни тақдирлашга интилиш;
- 3) америкаликларни миллий таълим стандартларни жорий этиш учун интилишлари нсоният эришган ютуқларни холисона баҳолаш учун тестлаштиришдан оммавий суратда фойдаланиш, иқтисодий ривожланган мамлакатларда тест саноати ва тестлар бозорини вужудга келтирди.

АҚШда тўрт юздан ортиқ марказ ўзаро рақобат остида турли-туман тестларни ишлаб чиқмоқдалар. Шунингдек тестларни тузиш ва уларни қуллаш бўйича яхши мутахассисликлар юқори даражада қадр топганлар. 1992 йилда улар АҚШдаги энг нуфузли 20 та фаолият йўналишлари рўйхатида 8-ўринни эгаллайдилар. Ўта қадрланадиган ихтисосликлар тизимлар бўйича таҳлил, маркетинг, соғлиқ сақлаш, экология, озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш ва компьютер технологияси эса, тегишли тарзда 15-20-ўринларга жойлаштирилган.

Педагогик тестлар АҚШ, Нидерландия, Англия, Туркия, Япония ва бошқа кўпгина мамлакатларда кенг ривож топди. Ушбу рўйхатга асосан турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирганлиги тасодиф эмас. Бунда қуйидаги занжирили боғланиш мавжуд: тестларни қўллаш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади; таълим сифати эса бошқарув сифати билан боғлиқ оқилона бошқарув эса ақоли турмуш даражасини ошириш учун замин яратади.

Собиқ иттифоқ даврида тесгларга асосланган фан педалогия деб юритилди ва тестлардан фойдаланишнинг дастлабки даврида жиддий хатоликларга ҳамда бузилишларга йул қўйилди. 1936 йилдаги ВКП (б) МКнинг «Халқ маориф комиссарлиги системасидаги педагогик бузилишлар тугрисида» ги қарорида тестлар «буржуа» педагогикасига хос деб ҳисобланди. Бу қарор фанни мафкуравийлаштиришга ва уни сиёсийлаштиришга мажбур этишга қаратилган бўлиб, унда жаҳон психологияси ва педагогикаси тажрибасидан фойдаланиш инкор қилинган

эди. Бу қарор габиноан, 1930 йилдан тестшунослик бўйича илмий тадқиқотлар собиқ иттифоқ миқёсида тўхтатилади. Педалогиянинг «идеалистик ва механистик» кўрсатмалари, уларни «илмий асосланмаган» «тест»ларга берилиб кетганлиги қораланди.

Педалогияни сохта фан сифатида қоралаш жараёнида совет педагоглари қамда психологларининг ўқувчилар билим қатъий назар куникмаларини баҳолашга қаратилган ижобий ютуқлари ҳам инкор этилди. Шунинг учун тест синовлари муаммоси педагогика ва психологияга оид адабиётларда узоқ вақт акс эттирилмади. Мустақил Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичида 1993 йил марта биринчи бўлиб, жаҳон педагогика фанига «дарча» очди ва ривожланган мамлакатлар педагогикасидан илфор тажрибаларни ўрганиш имконини яратди. Ўзбекистон таълим тизимида билимни тест усулда баҳолашга назорат қилишга давлат сиёсати мақомини берилиши ана шундай ютуқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Педагогик тестлар кенг миқёсда, биринчи марта ўрта маълумот якунида, олий ўқув юртига кирувчиларни қабул қилишда кўлланилди.

Педагогик тестларнинг замонавий назарияси педагогика, психология, мантииқ" ўлчовлар назарияси, математик статистика, математика, ахборот назарияси; кибернетика ва бир қатор фанларнинг туташ чегараларида ривожланмоқда. Шунингдек тестлар илмий асосланган, энг ишончли педагогик ўлчовлар қуроли сифатида эътироф этилмокда. Педагогик тестлар инсоният тафаккури эришган муваффақиятлардан бири булиб, таълим

жараёнининг самарадорлигини оширади. Шунинг учун ҳам келажак авлод психологик педагогик ва касбий тестлар меъёр бўлиб қолган даврда яшаб, фаолият кўрсатадилар. Педагогик тестлар билимларга баҳо беришнинг истиқболли усули ҳисобланади. Унинг афзаликлари қўйидагилардан иборат:

- тест ўқув фанининг бугун асосий мазмунини қамраб олади (имтихон билети ўзида назорат қилинадиган ўқув материалининг 4-5 фоизини қамрайди холос) - хамма талабалар тестнинг бир хил саволларига жавоб берадилар, бу уларнинг билимини таққослашга имкон беради;

- талабалар билимiga ҳаққоний баҳо бериш меъзони ошади;
- тестлаш олдиндан яратилган, ҳамма учун бир хил бўлган шкала ёрдамида талабалар билимiga бир мунча аниқ ва табақалашган баҳо қўйишга имкон беради;
- ўқитувчилар талабалар билимини назорат қилишга кам вақт сарфлайди;
- бошланғич даражасини ва ҳар қандай вақт оралиғида билимларни ошириш имкониятини ўлчашга тарант яратилади;
- тест назорати ЭҲМ ни қўллаб автоматлаштиришга қўлай.

Бу педагогик тестлашнинг асосий афзаликларидан биридир.

Умуман олганда тест усули бирмунча технологик ҳисобланади.

У билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилишда профессор ўқитувчилар меҳнат унумдорлигини оширади ва ўқув дастурини чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштирилишини таъминлайди. Педагогик тестлашнинг бу афзаликлари АҚШда муносиб баҳоланганди. Абитуриент (талабгор)ларни университет ва коллежларга тест синови билан қабул қилинади. Педагогик тестларни кенг қўллаш бўйича АҚШ тажрибаси Канада, Япония, Туркия ва бошқа кўпгина мамлакатларга ёйилган.

Сифатли тест топшириқларини ишлаб чиқиш қийинчилиги тестни кенг жорий этишга тўсқинлик қиласи. Бу иш юксак педагогик малака ва тажриба талаб қиласи. АҚШда тестнинг юқори сифатини таъминлаш учун педагогик тестлашнинг маҳсус хизмати (ПТХ) ташкил қилинган. Бу ташкилот тест ўтказиш амалиётини умумлаштириш ва оммалаштириш, стандартлаштирилган тестлар яратиш, тест ўтказишнинг ягона қоидалари ва тест ишлаб чиқиш усувларини белгилаш масалалари Билан шуғулланади. Педагогик тестлаш хизмати (ПТХ) Принстон университетида жойлашган, унда 2300 нафар киши, шу жумладан, 250 нафар фалсафа, педагогика, психология, социология, статистик ва психологик методлар, касб танлаш бўйича фан докторлари, шунингdek турли фанлар бўйича фан докторлари, 200 нафар магистр, ҳар хил фанлар бўйича ўқитувчилар хизмат қиласи. Тестлар ЭҲМда ишланади ва синалади. Мамалакатда педагогик тестлаш

хизматига бўйсунадиган 5000 тест пунктлари мавжуд. Тест ўтказиш учун Принстон маркази 53 ишончли шахсларга (одатда тест ўтказиладиган ўқув юртлари педагогларига) тест материаллари ва тест ўтказиш бўйича йўлланмалар юборади.

Бу мисолдан маълумки, тестлашни самарали ўтказиш педагогик тестларнинг махсус ривожланган хизмати, кенг қулоч ёйилган тармоқ пунктлари, тестлар бўйича назария ва амалиётни ўзида акс эттирадиган катта ҳажмдаги адабиётлар мавжудлигига боғлиқ.

Агар тестларни туркумлашда уларнинг кўллаш мақсади ва вазифаларига асосланадиган бўлсақ психологик тестлардан бошқа барча тестларнинг қуидаги уч гурухга ажратиш мумкин:

- интеллектуал ривожланиш даражасини аниқловчи тестлар;
- педагогик тестлар;
- муайян касбга яроқликни аниқловчи тестлар;

Фаннинг мазмунидан келиб чиккан ҳолда, биз факат педагогик тест хақида тўхталамиз. Адабиётларда бундай тест топшириқларининг қаги шакллари баён этилади.

- бирдан-бир туғри жавоби бўлган ёпиқ топшириқлар;
- бир неча тўғри жавоблари назарда тутилган ёпиқ топшириқлар
- битта сўз (ёки сўзлар) тушуриб қолдирилган гапдан ташкил топган очик топшириқлар;
- тўғри кетма-кетликни аниқлаш учун топшириқлар (м: уларни бажаришда бетартиб ҳолдаги сўзлардан гап тузиш зарур);
- ўзаро боғланиши (мувофиқликни) аниқлаш учун топшириқлар;

Айрим фанлар бўйича билимларнинг чуқурлигини аниқлаш бўйича топшириқлар;

- сонни тўлдиришга мўлжалланган топшириқлар, бунда сонлар сериясини топиш усулини аниқлаш ва уни муайян тартибда белгилаш;
- қарама -қарши муносабатларни аниқлаш тестлари;
- масалалар ечишга қаратилган (математик физик ва б.) топшириқлар

- чизмалар ва схемаларни тушунишга қаратилган топшириқлар;
- шаклларни нисбатини аниқлашга қаратилган топшириқлар;
- олинган ахборотни ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун топшириқлар;
- синонимлар ва антонимларни фарқлашга топшириқлар;
- аналогия (айнан ўхшашлик)га оид топшириқлар;
- ўқилган матнни тушунишга оид топшириқлар;
- кўрсатмаларни бажаришга оид топшириқлар;
- билимдонликни аниқлашга доир топшириқлар;
- таффаккурни аниқловчи тестлар;
- орфографик тестлар;
- тил масалаларига доир топшириқлар ва бошқалар.

Мутахассислик фанларида ёпиқ тестлар, очиқ тестлар, мувофиқликни аниқлаш тестлари ва тўғри кетма -кетликни аниқлаш тестлари энг кенг кўлланилади.

**Очиқ топшириқлар**. Агар талаба эркин жавоб берадиган бўлса, тест топшириғи очиқ шаклга эга бўлади.

Талабаларнинг битта, иккита сўздан иборат қисқа ва аниқ жавоб беришлари тахмин қилинади. Бу ҳакда тестга илова қилинган йўлланмада баён этиш керақ Бланканинг бўш жойида жавоб учун зарур бўлган жой қолдирилади. Масалан, «Тест тушунчаси» йилда томонидан биринчи марта ишлатилган.

**Ёпиқ топшириқлар**. Бундай топшириқ тасдиқлашдан ва бир неча жавоблардан иборат бўлади, бу жавоблардан бири тўғри, қолганлари тўғрига ўхшаш, бироқ нотўғри бўлади. Таклиф қилинадиган жавоблар сони иккитадан бештагача ва бундан кўпроқ бўлиши мумкин. Синовдан ўтувчининг танлаган жавобига кўра, тест топшириғи тегишли иккита код: 1 ёки О билан кодланиб, сўнгра шу ҳолда ЭҲМга киритилади.

Иккита жавобли ёпиқ топшириқларга мисол:

1. Билимларни тест билан назорат қилиш адолатлилиги а) Ошади.  
анъанавий шакллар билан таққосланганда б) Пасаяди.

2. Билимларни ҳар қандай вақт оралиғида ошишига а) Анъанавий баҳо бериш имконини берадиган назорат тури: б) Тестли.

«ха» ва «йўқ» деган иккита жавобли ёпиқ тест топшириқлари устида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Баъзи бир топшириқлар уларнинг жавоблари икки хил маънони билдирадиган қилиб баён этилиши мумкин. Масалан: Сиз тестлар қўлланишини хуш кўрасизми? Д ҳа (хуш кўрмайман) . Йўқ (хуш кўраман). Бундай холларда жавоблар учун «тўғри» ва «нотўғри» сўзларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Мисол: Очиқ тест топшириқлари билимларни ЭҲМдан фойдаланиб назорат қилишга қулай эмас.

а) тўғри б)нотўғри.

Иккита жавоби бўлган ёпиқ шаклдаги топшириқлар қўлланишнинг асосий вазифаси - шу фандан синовдан ўтувчининг биринчи тест топшириқларидаёқ билим даражасини тезда текшириб кўришдан иборат. Автоматлаштирилган ўқитиш тизимларида (АЎТ) бундай топшириқлар бошланғич босқичнинг ўзидаёқ талабанинг умумий тайёргарлигини тахминий баҳрлаш ва назоратнинг кейинги йўналиши - мураккаб ёки осонлаштирилган дастур бўйича олиб боришт масаласини ҳал қилишга имкон беради.

Тест топшириғида жавоблар қанча қўп бўлса, тўғри жавобни тасодифан топиш эҳтимоли шунчалик кам бўлади. Амалиётда бешта жавоби бўлган топшириқларга эга бўлиш етарли ҳисобланади (бу ҳолда бешта тенг эҳтимолли топшириққа тўғри жавоб бериш эҳтимоли 0,2 ни ташкил этади.)

5 та жавоби келтирамиз.

бўлган тест топшириқларига мисоллар

«Тўртинчи ўлчов» деган физика-математика атамаси қайси тушунчага тааллукли:

- а) оғирликка.
- б) ҳажмга.
- в) Вақтга.

г) Тезликка.

д) Тезланишга.

Бу топшириқни латеит, яғни яширин мәноли топшириқлар қаторига киритиш мүмкін. Түртінчи ўлчов - әхтимоллық назариясида қўлланиладиган тушунчадир. Шунинг учун түғри жавоб берган синовдан ўтувчининг бу назариянинг «оммабоп баёнидан хабардор» , деган тахмин қилиш мүмкін.

Савол характеристидаги жумлалардан иборат аналогия (ўхшатма)га оид топшириқлар ёпиқ тестнинг бир вариант бўлиб ҳисобланади. У ларнинг ҳар бирида битта сўз қўшмайди. Келтирилган сўз - жавоблардан шу жумлани түғри тўлдирадиган битта сўзни танлаш лозим.

Мисоллар:

1. Бошқа давлатларга қарам бўлмаган давлат. . . . . давлат ҳисобланади.

а) ягона

б) тинчлик севар

в) гуллаб-яшнаган

г) мустақил

д) кам ривожланган

2. Хамма нарсани меъёрини биладиган, ўзини тута биладиган одам.....  
дейилади.

а) камтар

б) тез дўстлашадиган

в) ҳақиқий

г) одобли

д) биладиган.

Ўзаро боғланган қисқа ёпиқ топшириқлар занжирчаси билимларнинг ҳар қандай мураккаб ўқув материалини ўзлаштириш сифатини текширишга имкон беради.

Ёпиқ тестларни ишлаб чиқишида нофри, бироқ тўғрига ўхшаб кўринган жавобларни таърифлаш асосий қийинчиликни ташкил қиласди. Агар улар муваффақиятсиз тузиладиган бўлса, тўғри жавоб улар орасида ажралиб турари ва ҳатто яхши билмайдиган талаба ҳам уни осонликча топиши мумкин. Бу ҳолда топшириқ ўзининг текширувчи функциясини Йўқотади. Топшириқ яроқли бўлиши учун ҳамма жавоблар талабани ўзига жалб этадиган бўлиши зарур. Шундагина танлаб олинган жавоблари бўлган топшириқ муваффақиятли чиқади. ҳар бир нотўғри жавобнинг

узига жалб этадиган гомони, шу жавобни танланган талабларнинг салмоғи билан белгиланади. Бу улуш нечоғли юқори бўлса, мазкур жавоб яхши таърифланган бўлади. Агар талabalар яққол нотўғри жавобни тўғри жавоб сифатида танламалар, бундан жавобни алиштириш лозим.

### Мувофиқликка тузилган топшириқ

Уларнинг моҳияти бир кўп сонли элементларининг бошқа кўп сонли элементларга мувофиқлигини аниқлаш заруратига асосланган. Бу топшириклар «мувофиқлик аниқлансин» деган иккита сўздан иборат конструкция асосида тузилиши керак Масалан:

Билимларни ўзлаштириш а) баҳолашдаги субъективлик сифатини назорат қилиш- б) имтихон олувчининг талаба билан унинг анъанавий метод- мулоқотда бўла олмаслиги,

ларидаги камчиликлар.

- в) назорат саволлари тузищдаги қийинчиликлар,
- г) баҳолаш шкаласининг аниқмаслиги,
- д) билимларни назорат қилиш танлаш характерига эга эканлиги,
- е) ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланиши,
- ж) ЭҲМ кўллашнинг қийинлиги,
- з) жавобларни таърифлашнинг чекланганлиги.

тўғри жавоб:

- а), г), д), е), ж).

Кетма - кетликнинг тўғрилигини аниқлашга оид топшириқлардан асосан қасб-хунар тайёргарлиги даражасига баҳо бериш учун фойдаланилади. Улар ҳаракатлар, операциялар, муҳокамалар, ҳисобкитобларни эгаллаш, механизмларни йиғиш ва ажратиш кетма -кетлигини текшириш учун қўлланилади.

Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар мавжуд.

Тузилган тест топшириқларини ҳаммасини ҳам бирдек ишончли деб бўлмайди. Тест саволлари мукаммал бўлиши учун уларни тузишда бир қанча талабларга риоя қилиши зарур. Булар қуидагилардан иборат: тест топшириқлари мазмунининг ўқув материалининг мақсадга мувофиқлари; материал аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчилиқ; тўқислик ва уйғунлик; ўзлаштириш даражасига кўра табақалаштириш; самарадорлик (кумулятивлик); тил ровонлиги ва аниқлиги; бир маънолилик; қатъий белгиланган вақт; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тўғри жавобда қўшимча белгиларининг мавжуд эмаслиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиққлик

Энди мазкур талабларни бирма -бир қисқача кўриб чиқайлик

**1. ЎҚУВ МАҚСАДИГА МУВОФИҚЛИК** Тест топшириқлари мазмунини ўқув мақсадига қаратилиши лозим. Ўқув мақсадлари мажмуи иерархик тузилишга зга. Шунинг учун нисбатан яқин мақсадни амалга оширмай туриб. Умумий (нисбатан олис) мақсадга эришиб бўлмайди. ҳар бир тест саволи маълум бир ўқув мақсадининг рўёбга чиқишини таъминлаши зарур.

**2. МАТЕРИАЛНИНГ АҲАМИЯТЛИЛИГИ.** Тест саволларига ўқув материалининг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим. Тестда топшириқлар сони одатда чекланган бўлади. Бинобарин, тўғридан-тўғри қўйилаётган масалада барча мавзулар тўлиқ қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Талабанинг умумий ҳолатдан хусусий холосага келиши (дедуктив)

ва аксинча, айрим далиллардан умумий хулосалар (индуктив) чиқара олиши, унинг назарий қоидаларни алоҳида ҳолатларда қўллашни нечоғилилик ўзлаштириб олганини, тафсилотларни билиши эса назарий асосларни тушунтира олиш қобилияtlарини кўрсатади.

**3. ИЛМИЙ АНИҚЛИК.** Тестга мушоҳада, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади.

Фандаги мунозарали қарашларни тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати асосан, аввалдан маълум, аниқ жавоб беришни тақозо этади.

**4. ИЗЧИЛЛИК** Тестдаги топшириқлар маълум бир фанга тааллуқли, умумий билим моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Изчиллик айни бир топшириқ жавобини умумий тест натижаларига нисбатан муносабатида (коррелятив) кўринади.

**5. ТЎКИСЛИК ВА УЙГУНЛИК** Тестдаги топшириқларнинг умумий сони мавзу ва қисмларга нисбатан мувофиқ тақсимланиши аҳамиятли. Бунда ўрганилаётган фаннинг барча жиҳатларини тўла қамраб олиш лозим.

## **6. ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИГА КЎРА ТАБАҚАЛАШТИРИШ.**

Ўқув материалининг маълум бир таркибий қисмига аидузлаштириш даражаси турлича (билиш, эсда қолган нарсанитасвирлаш (репродукция), унумли ва ижодий фикрлаш) бўлган тести топшириқларини тузиш лозим.

Билиш даражасидаги тест топшириқлари аввал ўзлаштириб олинган маълумотларни қайта тиклашга асосланади. Бунда хотира қуввати катта аҳамиятга эга бўлади.

Репродуктив даражадаги тестларда эса, ўқувчи олдин ўзлаштирилган маълумотлар асосида мустақил фикрлайди, топшириқ бажарганда эса, фанда аввалдан маълум бўлган қоида ва алгоритмларга (йулланмаларга) суюнади.

Бундай ҳолда у, эсда қолганни тасвирлаш, қайта тиклаш йўлидан боради.

Унумли ижодий фикрлашга оид тест топшириклари эса синалаётган шахснинг маълум умумий методларни топшириқда курсатилган аниқ шарт-шароитларга мустақил қўллаш лаёқатини синайди. Унумли ижодий фикрлаш фаолияти тайёр қоидалар ва алгоритмлар асосида эмас, маълум қоидаларга кўра яратилган ёки янги шароитдаги фаолият жараёнида қайта яратилган қоидаларга биноан амалга оширилади.

Ижодий фикрлаш даражасига оид тузилган тестларда топшириқ умумий ҳолда баён этилади, мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳатти-ҳаракатлар ва вазиятларни ўқувчи ижодий фикрлаш натижасида аниқлайди. Бундай тест топширикларни ечиш жараёнида бутунлай янги ахборот (қоида, хулоса, шакл ва х.к) яратилади.

**7.САМАРАДОРЛИК (КУМУЛЯТИВЛИК).** Самарадорлик тест топширикларининг борган сари мураккаблашиб боришини назарда тутади. Бу қатъий талаб эмас. Чунки, замонавий компьютер тест тизимида ўқувчига навбатдаги тест топшириғи, аввалгисини қандай ечганига қараб берилади. Яъни аввалги саволга нотўғри жавобдан сўнг, унга нисбатан мураккаб бўлмаган тест топшириклари берилиши мумкин.

**8. ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТ.** Бу шартнинг моҳияти шундан иборатки, ўйлаш учун 2 дақиқадан ортиқ вақт талаб этиладиган тест саволлари бўлмаслиги лозим. Бирқанча хорижий тест топширикларини таҳлил этилганда, математика бўйича 65 секунд, тил ва адабиёт бўйича 32 секунд, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича 41 секунд, далиллар ва иборалар учун 20-25 секунд, чизмалар учун 90 секунд, шаклларни аниқлаш учун 90-120 секунд вақт ажратилиши маълум бўлган.

**9.ИХЧАМЛИК** Тест топширикларининг матни чўзилиб кетмаслиги, қалаштириб ташланмаслиги лозим. Мураккаб кўлами ўқув саволини

ўзлаштиришни аниклаш зарур бўлган ҳолларда, уни бир қанча ихчам тест топшириқларига бўлиб тузилгани маъкул.

**10. ТИЛ РОВОНЛИГИ, АНИҚЛИГИ, БИР МАЊНОЛИЛИГИ.** Тест топшириқларида кўп мањнолилик ва ноаниқликка йўл қўйиб бўлмайди. АҚШда тест топшириқларини тузувчилар гурухига муайян бир ўқув фани бўйича тажрибали педагог ва рухшуносдан ташқари адабий мухаррир ҳам киритилиши анъанага айланган.

**11. МУРАККАБЛИК МЕЪЁРИ (ЯРОҚЛИЛИГИ).** Тест топшириқлари педагогик жиҳатдан самарали бўлиши учун, улар омий ахборот бериб қолмаслиги, жавоби очикдан-очик аён бўлмаслиги лозим. Натижаси ярмига teng (Рқ0,5) бўлган тест топшириқлари нисбатан самарали ҳисобланади. Бундай натижа ўқув материалини яхши ўзлаштирган ёки чуқур тайёргарлик - кўрмаган ўқувчини аниклашни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам, абитуриентларни танлаш, битирув имтиҳонлари каби мухим тадбирлар учун тест топшириқлари ўқув дастурини тўлиқ ўрганган ўқувчиларнинг 50 фоизи бажара олиши мумкин бўлган даражада тайёрланади. Демак маълум бир йўналишдаги тестлар учун 50 фоизлик натижа яхши кўрсаткичdir. Шуни унумаслик керакки, ўз синфи учун муаллимлар томонидан тайёрланган тест топшириқлари бошқа чарок меъзон билан баҳоланади. Бунда 50 эмас, балки 85 фоиз кўрсаткич мақсадга мувоғик ҳисобланади. Бу ҳақда олдинги маърузада баён зтилган.

**12. ТЎГРИ ЖАВОБДА ҚЎШИМЧА БЕЛГИЛАРНИНГ МАВЖУД БЎЛМАСЛИГИ.**

Тест тузишда тажрибасиз киши тушунарли бўлсин, деган мақсадда тўгри жавобни бошқа жавобларга нисбатан кенгроқ ва батафсилроқ баён қиласди. Ўқувчилар бу фарқни тез англаб оладилар ва жавобни ана шу белгига қараб аниклашади. Бунга аслло йўл қўйиб бўлмайди.

**13. ВАРИАНТИВЛИК.** Ўқув материалидаги маълум бир мавзуни ўзлаштиришни назорат қилиш учун мантиқий фикр баёни, синтактик тузилиши, морфологик белгилари ёки мураккаблик даражасига кўра турлича бўлган, лекин битта ўқув материалига тегишли тест саволлари тузиш мумкин. Бу бир ўқув мақсадига эришиш йўлида топшириқлар туркумини яратиш имконини беради (вариант тестлар). Шу боис компьютер тест тизими топшириқларнинг вариативлик хусусиятига асосланган. Бунда компьютер навбатдаги топшириқни аввалги саволга берилган жавобга кўра танлайди.

**14. ШАКЛАН БА МАЗМУНАН БОҒЛИҚЛИК.** Бу талаб фалсафадан, унинг қоидаларини санъат асарларини ўрганишга қиёслашдан олинган. Гегел фикрича, хақиқий санъат асари шаклан ва мазмунан яхлит асардир. Бинобарин, тест топшириқлари ҳам шаклан ва мазмунан уйғун бўлиши лозим. Тест топшириқларини юқоридаги талаблар асосида тузиш, ўқитувчиларнинг тест тузиш назарияси бўйича маълумотга зга бўлишларини талаб қиласди. Бунинг учун тестшунослик курсларида ўқиш ва тегишли адабиётларни мустақил ўзлаштириб бориш зарур.

### **Назорат саволлари:**

1. Тестнинг келиб чиқиши тарихи қандай?
2. Тестнинг қандай турлари бор?
3. Тест тузишга қандай талаблар қўйилади?
4. Тест назоратининг афзалликлари қандай?
5. АҚШ да тест маркази фаолиятини изоҳланг.

#### **4-мавзу; Масофали ўқитиши технологияси.**

##### **Режа:**

1. Масофали таълим ҳақида тушунча.
2. Масофали ўқитиши тизимида ўқитувчининг ўрни.
3. Интернет: масофалаи таълимнинг асосий бўғини.
4. Масофали таълим тизимига ёндошув ва айрим муаммолар.

##### **Таянч иборлар:**

Масофадан ўқитиши, масофадан ўқитишнинг турлари, масофадан ўқитишнинг афзалликлари, масофадан ўқитишнинг камчиликлари, электрон қўлланма, WEB – сайт саҳифаси, электрон қўлланманинг имкониятлари.

2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Замонвайй компьютер» ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан «Интернет» га кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида 2001 йил 24 май Вазирлар Махкамасининг қарори чиқкан эди.

Шу муносабат билан барча ўқув муассасаларида, олий ўқув юртларида, ўқув тизимини янгидан ислоҳ қилиш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқи шва уларни амалиётга кенг жалб қилиш, ривожланган мамлакатлар ўқув тизимидағи янгиликлар, ютуқларни ўрганиш ва уларни ўзимизда тадбиқ этиш мақсаддага мувофиқдир.

Ҳозир бу йўналишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, қолаверса, бир қатор университетларда, жумладан Ўзбекистон Миллий университетида кенг кўламда илмий-услубий ишлар олиб борилмоқда. Бунда «Масофадан ўқитиши» алоҳида ўрини тутишини уқтирамиз.

Хозирда бу жумладан ривожланган мамлакатлар ўқув тизимининг асосини ташкил этади. Бу тизим орқали талабалар фақат белгиланган жойдаги аудиторияларда таълим олмасдан, маълум масофадан туриб ўрганиш, мулоқот ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Бу каби ўқув тизими Америка, Ҳиндистон очиқ университетларида кенг йўлга қўйилган.

Масофадан ўқитишнинг турли қўринишлари мавжуд:

- локал компьютер тармоғи орқали;
- глобал компьютер тармоғи орқали;
- маҳсус кабель телевиденияси орқали;
- ҳар хил компакт дисклар, кассеталар орқали фойдаланиш турлари.

Масофадан ўқитишнинг устун томонлари қўйидагилардир.

- ўқитувчи ва талаба вақтдан ютади;
- талабани замонавий технологияларга яқинлаштиради;
- ҳар томонлама тежамкорликка эга;
- албатта асосийси – ўқитишда, масофа танламайди;
- талабаларнинг ўрганиши учун қулай, осон ва содда;
- қайта ўзлаштириш, такрорлаш, вақтга мослаш имконияти мавжуд;
- кейинчалик иш жойида замонавий технологияларда тадбиқ этиш учун мос;
- ўқув материалини замон талабига биноан тез ва доимий ўзгартириш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга келажак учун муаммо бўлмаган камчиликлари ҳам мавжуд;

- албатта фойдаланишда зарур компьютер ва техника қуроллари мавжуд бўлиши;
- керакли технологиялардан фойдаланишда етарли қўниммага эга бўлиш;
- техник қўрсаткичларга тобелиги.

Масофавий таълим қўйидаги модел бўйича бажарилади.

Бу моделда қўрсатилган, юқоридаги 3 та бўлимдан 1 таси бўлмаса ҳам масофавий таълим бажарилмайди, албатта 3 та бўлим бўлиши зарур ва мурожаат ҳам қўрсатилган йўналишлр бўйича бажарилиши лозим.



Масофадан ўқитишни наафақат таълим соҳасида, балки кундалик турмушимизнинг барча соҳаларида ҳам қўллаш мумкин ва яхши натижалар беради:

- банк ва молия соҳасида – турли маълумот олиш, алманиш;
- хукуқни муҳофаза қилиш органларида – тезда маълумот алманиш;
- савдо – сотик соҳаларида;
- боғча – яслиларда қўллаш;
- транспорт тизимида фойдаланиш;
- ҳарбий соҳаларда қўллаш;
- медицинада ҳамкорликда иш олиб боришда қўллаш;
- кутубхона тизимида фойдаланиш;
- дам олишда ва бошқа соҳаларда фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ҳозирда масофадан ўқитишнинг бир неча моделлари ишлаб чиқилган қўлланмаларни уларда жойлаштириш ва улардан фойдаланишни ташкил

қилиш бўлса, иккинчиси ҳар хил электрон қўлланмаларни тайёрлаш ва уларни CD лар орқали фойдаланишни ташкил қилиш ҳисобланади. Шу муносабат билан ўқув юртлари учун CD ўқув материалларини тезда чоп этувчи марказ ташкил қилиш зарурияти туғилади.

Шу мақсадда бакалавр йўналишлар учун «Информатика» фани бўйича электрон қўлланма тайёрланди. Бу қўлланмани Интернетга жойлаштириш ёки CD лар орқали фойдаланувчилар эътиборига ҳавола қилиш мумкин.

Электрон қўлланма асосан Олий ўқув юртлари учун мўлжалланган, лекин ундан барча билим юртлари, коллеж талабалари, ўқитувчилар ва умуман ихтиёрий фойдаланувчи ўзига тегишли маълумот олиши, ўрганиши мумкин.

Электрон қўлланма замонавий услуг ва дизайнлар асосида WEB – сайт кўринишида яратилган деб қараш мумкин. Шу билан бирга қўлланма оддий фойдаланувчи учун осон, қулай кўринишда бўлишига ҳам эътибор берилган. У оддий ва қулай интерфейсга эга.

WEB – сайт (саҳифа) учун Ўзбекистон Миллий университети, информатика кафедраси мудири, проф. М.Арипов таҳрири остида Олий ўқув юртлари талабалари учун ёзилган «Информатика» номли ўқув қўлланмаси асос қилиб олинди ва унинг электрон варианти ишлаб чиқилди. Ундан Республиkaning ихтиёрий олий ўқув юрти, ўрта касб-хунар таълими талабалари, ўқитувчиларни жойларда (ҳатто хорижий мамлакатларда) туриб фойдаланиш мумкин.

Бу WEB – сайт ҳозирги замон программалаш технологиялари ҳисобланган FrontPage 2000, CorelDraw, Word 2000, Power Point 2000, MacroMedia Flash 5, MS Liquid Motion, Java тили, Java Script воситаларидан фойдаланган ҳолда, анимацион қўринишда ва замонавий информатиканинг мультимдия имконятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Қўлланма мулоқот шаклида тузилган. WEB – сайтга мурожаат қилувчи аввал бош (homepage) саҳифага уланади ва у орқали мундарижага ўтиб, керакли бўлим (боб)га кириши мумкин. Ҳар бир бўлим ҳам ўз навбатида яна

қисм бўлимларга бўлинган бўлиши мумкин, бу эса керакли маълумотларни тез кўриб чиқиши ва фойдаланишга қулайликлар яратишга хизмат қилади. Шу билан бирга компьютер иш тезлигини ҳам оширади.

### **Назорат саволлари:**

1. Масофали таълим нима?
2. Масофали ўқитишининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
3. Масофали таълимдан фойдаланишининг қандай шартлари бор?

## **5-мавзу; Ҳамкорлик педагогикаси технологияси**

### **Режа:**

1. Дидактикада ҳамкорлик ўқитиш ғоясининг келиб чиқиши.
2. Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг афзаликлари ва истиқболлари.
3. Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари.
4. Гурухли ўқитиш методикаси.

### **Таянч иборалар:**

Ҳамкорликда ўқитиш, командада ўқитиш, кичик гурухларда ўқитиш, ҳамкорлик шакллари, тақлид ҳаракатлари, мадад ҳаракатлари, ўзини-ўзи бошқариш, интерактив ҳаракатлар.

Ҳамкорликда ўқитиш ғояси турли мамлакатлардаги, жумладан, Америкадаги Ж.Хопкинс университети профессори – Р.Славин (1990), Миннесот университети профессори – Р.Жонсон, Д.Жонсон (1987), Калифорния университети профессори – Ш.Шарон (1988), томонидан ишлаб ишлаб чиқилган.

Америка олимлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамкорликда ўқитиш, асосан ўқувчиларда ДТС ва фан дастурида қайд этилган билим, кўнишка ва малакаларни шакллантириш, Иstroil ва Европа олимлари томонидан тавсия этилган ҳамкорликда ўқитиш, юқорида қайд этилганидек, кўпроқ ўқувчилар томонидан ўқув материалини қайта ишлаш лойиҳалаш фаолиятини ривожлантириш, ўқув баҳси ва мунозаралар ўтказишни назарда тутади.

Мазкур ғоялар бир-бирини тўлдиради, дидактик жиҳатдан бойитади ва бир-бирини тақозо этади.

Ҳамкорликда ўқитиш ғояси дидактикада 1970 йилларда пайдо бўлган. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси Буюк Британия, Канада, Германия, Австралия, Нидерландия, Япония, Иstroil мамлакатлари таълим муассасаларида кенг қўлланила бошлаган.

Ҳамкорликда ўқитишининг асосий ғояси – ўкув топшириқларини нафақат биргаликда бажариш, балки ҳамкорликда ўқиш ўрганишdir.

Ҳамкорликда ўқитиши ҳар бир ўкувчини кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир ўкувчида шахсий қадр қиммат түйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

Ҳамкорликда ўқитиши технологияси ҳар бир ўкувчининг таҳлил олишдаги мувафаққияти гурӯҳ мувафаққиятига олиб келишини англаған ҳолда мустақил ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўкув топшириқларини тўлиқ ва сифатли бажаришга ўкув материалини пухта ўзлаштиришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам убштиришга замин тайёрлайди.

Ҳамкорликда ўқитиши технологиясида ўкувчиларни ҳамкорликда ўқитиши ташкил этишнинг бир неча методлари мавжуд:

1. Командада ўқитиши (Р.Славин) да ўкувчилар teng сонли икки командага ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Команда аъзолари ўкув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир ўкувчи мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга эътиборни қаратади.

Ҳамкорликда ўқитиши технологияси муаллифларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, ўкувчиларга топшириқларни ҳамкорликда бажариш учун кўрсатма берилиши етарли эмас. Ўкувчилар том маънодаги ҳамкорлик, ҳар бир ўкувчининг қўлга киритган мувафаққиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қулай ижтимоий-психологик муҳит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда ўкувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир ўкувчининг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина ўкувчилар ўзининг дарс давомида

эришган натижаси командаға фойда келтиришини аңлаган ҳолда масъулиятни ҳис қилиб, күпроқ изланишга, билим, күнікма ва малакаларни ўзлаштиришга интилади.

## **2. Кичик гурухларда ҳамкорликда ҳамкорликда ўқитиши (Р.Славин, 1986).**

Бу ёндашувда кичик гурухлар 4 та ўқувчидан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзуни тушунтиради, сүнгра ўқувчиларнинг мустақил ишлари ташкил этилади. Ўқувчиларга берилған ўқув топшириқлари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир ўқувчи топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир ўқувчи ўзи бажарған қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сүнгра гурух аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хулоса чиқарилади.

Ўқитувчи ҳар бир кичик гурух ахборотини тинглайди ва тест саволлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Ўқувчиларнинг кичик гурухлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига доир тадқиқотларда асосий эътибор ўзаро муносабатнинг ривожланишини ўрганишга қаратилади, ўқитиши гурухли ташкил қилиш жараёни баён қилинади.

Психолог А.В. Петровский жамоадаги шахслараро муносабатлар фаолиятдан келиб чиқишини ўрганиб, таълим жараёнидаги ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлигини ташкил қилиш факат уларни мулоқотга эҳтиёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материалини ўзлаштиришнинг ҳам воситаси эканлигини таъкидлаган эди.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим омили ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабати хусусиятини белгиловчи асос ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорлигининг шакллариdir. Ҳамкорликдаги ўқув фаолияти ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларининг ва биргаликдаги хатти-ҳаракатларининг алоҳида

туридирики, у ўзлаштириш объектини, билим фаолиятининг барча қисмларини қайта қуришни таъминлайди.

Ҳамкорликдаги ўқув фаолиятининг мақсади ўзлаштириладиган фаолият ва биргаликдаги ҳаракатлар, муносабат ва мулоқотнинг бошқариш механизмини яратишдир. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг маҳсули ўқувчилар илгари сурган янги ғоялар ва ўзлаштирилаётган фаолиятнинг моҳиятига боғлик мақсадлар ва шерикликдаги шахс позициясини бошқариш истакларининг юзага келишидир.

Ҳамкорликдаги фаолият усули деганда, ўқитувчи билан ўқувчининг биргаликдаги ҳатти-ҳаракатларининг тизимини тушуниш керак. Бундай ҳатти-ҳаракат ўқитувчининг ўқувчига кўрсатадиган ёрдамидан бошланади;

Ўқувчиларнинг фаоллиги аста-секин ўсиб бориб, бутунлай уларнинг ўзи бошқарадиган амалий ва ақлий ҳаракатига айланади; ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносбата эса шериклик позицияси хусусиятига эга бўлади.

Педагогика – психология фанида ҳамкорликнинг 8 та шакли мавжуд. Улар қуйидагилардан иборатdir:

- 1) фаолиятга кириш;
- 2) мустақил ҳаракатлар ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорликда бажарадилар;
- 3) ўқитувчи ҳаракатни бошлаб беради ва унга ўқувчини жалб этади;
- 4) тақлид ҳаракатлари (ўқитувчидан ибрат олган ўқувчи анна шу намуна асосида ҳаракат қиласди);
- 5) мадад ҳаракатлари (ўқитувчи ўқувчига оралиқ мАқсадни ва унга эриш усулларини танлашда ёрдам беради ва охирги натижани назорат қиласди);
- 6) ўзини – ўзи бошқариш ҳаракатлари (ўқитувчи умумий мақсадни кўрсатишда охирги натижани баҳолашда иштирок этади);
- 7) ўзини – ўзи кўрсатувчи ҳаракатлар;

- 8) ўзини – ўзи уюштирувчи ҳаракатлар.

Интерактивлик – ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсири. Ҳамкорлик фаолиятини такомил босқичига ўтиш жараёнида ўзаро таъсир ўтказиш ҳаракатини баҳолашдан ўз-ўзини баҳолаш даражасига кўтарилиши содир бўлади. Ушбу жараён ҳамкорлик динамикасидан далолат берадиган энг муҳим омиллардан бири вазифасини ўтайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Дидактикада ҳамкорликда ўқитиши ғояси қачон пайдо бўлган?
2. Ҳамкорликда ўқитишининг истиқболлари ва афзалликларини изоҳлаб беринг?
3. Командада ўқитиши методикасини тушунтириб беринг?
4. Ўқитувчи – ўқувчи фаолиятидаги ҳамкорлик шаклларини айтинг?
5. Интерактивлик нима?

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Тошкент «Ўзбекистон» нашриёти 1999 йил.
2. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Тошкент «Молия» нашриёти 2003 йил.
3. Фарберман В. Илгор педагогик технологиялар Тошкент «Фан» нашриёти 2000 йил.
4. Ишматов Қ. Педагогик технология Наманган - 2004 йил.

## **6-Мавзу: Муаммоли таълим технологияси**

### **Режа:**

1. Муаммоли таълимнинг назарий асослари.
2. Муаммоли таълимнинг мақсад ва вазифалари.
3. Муаммоли таълим технологияси воситалари.
4. Муаммоли дарс структураси.

### **Таянч иборалар:**

Муаммоли таълим, ривожланувчи таълим, муаммоли таълим мақсади, вазифалари, воситалари, муаммоли таълим даражалари, муаммоли дарс структураси.

Республикамизning хозирги даврдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш тамойиллари жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш учун маънавий салоҳиятимизни ва иқтисодий қудратимизни янада ошириш, уларни XXI аср илмий-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган тарзда қайта қуришни талаб қиласди. Бунинг учун ёшлиаримиз дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг билим ва маънавиятларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш зарур.

Бугун жамият мактаб олдига: маҳсус қобилиятини уларнинг мустақил билишларини мақсадга мувофиқ равишда ривожлантиришни вазифа қилиб қўйди.

Ана шу вазифаларни ҳал этишда муаммоли таълим технологияси етакчи ўринни эгаллайди.

Муаммоли таълим – бу мантиқий фикрлаш операцияси (таҳлил, умумлаштириш) ва ўқувчиларнинг изланишли фаолияти қонуниятларини (муаммоли вазият, билишга қизиқиш, эҳқтиёж) ҳисобга олиб тузилган

таълим ва ўқитишининг илгари маълум бўлган усулларини қўллаш қоидаларининг янги тизимиdir. Шунинг учун ҳам муаммоли таълим кўпроқ ўқувчи фикрлаш қобилиятининг ривожланишини, унинг умумий ривожланиш ва эътиқодининг шаклланишини таъминлайди. Дидактиканинг барча ютуқларини истисно қилмай, балки улардан фойдаланган ҳолда муаммоли таълим илмий билим ва тушунчаларни, дунёқарашни шакллантириш, шахс ва унинг интеллектуал фаоллигини ҳар томонлама ривожлантириш воситаси сифатида ривожлантирувчи таълим бўлиб қолади.

Дидактикада муаммоли ўқитиш янги йўналиш сифатида XX асрнинг 70-80 йилларида юзага келди.

А.М. Матошкин, Т.В. Курдяшв, М.И.Махмутов, И.Я. Лернерлар муаммоли ўқитиш қонуниятларини чуқур ўргандилар.

Анъянавий дидактика бутун эътиборни ўқитувчи фаолиятига қаратган эди ва таълим жараёни деганда асосан ўқитиш жараёнини кўзда тутган эди. Ўқитиш жараёни етарли ўрганилмас эди, қўпинча ўқувчиларнинг репродуктив фаолияти баён қилинар эди, холос. Ҳозирги замон дидактикаси ўқувчиларнинг мустақил – ўқув – билиш фаолиятига эътиборни кучайтирди.

Муаммоли таълим назарияси ўқувчи интеллектуал кучининг ривожлантирувчи таълимни ташкил қилишнинг психологик – педагогик йўллари ва усулларини тушунтиради.

Муаммоли вазиятларнинг роли ва ахамиятини аниқлаш ўқувчи фаол фикрлаш фаолиятининг психологик-педагогик қонуниятларини изчил равища ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини қайта қуриш ғоясига олиб келди. Янги педагогик фактларни назарий жиҳатдан мулоҳаза қилиб кўриш асосида муаммоли таълимнинг асосий ғояси аниқланади: муаммоли таълимда билимнинг деярли катта қисми ўқувчиларга тайёр ҳолда берилмайди, балки ўқувчиларнинг томонидан муаммоли вазият шароитларида мустақил билиш фаолияти жараёнида эгаллаб олинади.

Маълумки, шахснинг ҳар томонлама ва гармоник ривожланишининг муҳим кхрсатикичи – юқори даражада фикр юритиш қобилиятининг

мавжудлигидир. Агар таълим ижодий қобилиятни ривожлантиришга олиб борса, у ҳолда уни сўзнинг замонавий маъносида ривожланувчи таълим деб ҳисоблаш мумкин.

Ривожланувчи таълим деб, яъни умумий ва маҳсус ривожланишга олиб келадиган шундай таълимни ҳисоблаш мумкинки, унда ўқитувчи фикр юуритишнинг қонуний ривожланишни билимга таянган ҳолда, маҳсус педагогик воситалар ёрдамида ўз ўқувчиларини фан асосларини ўрганиш жараёнида фикирлаш қобиляти ва билиш эҳтиёжини шакиллантиришга оид мақсадга йўналтирилган иш олиб боради. Бунда таълим, фикримизча, муаммоли таълим ҳисобланади. Муаммоли таълим йўли билан фаоллаштиришнинг мақсади фавқулодда, бетартиб равишда вужудга келадиган фикирлаш оператцияларига ўргатиш эмас, балки (ўқувчиларни тушунчаларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш) ностереотип масалаларни ҳал қилиш учун ақлий ҳаракат тизимиға ўргатишидир. Бу фаоллик шундан иборатки, бунда ўқувчи фактик материалларини таҳлил қилиб, қиёслаб, синтез қилиб, умумлаштириб, конкретлаштириб, ундан ўзига янги ахборот олади.

Бошқача қилиб айтганда, бу илгари ўзлаштирилган ҳамда аввалги билимни янгича қўллаш ёрдамида билимни кенгайтириш чукурлаштириш демакдир. Аввалги билимларни янгича қўллашни китоб ҳам, ўқитувчи ҳам ўргата олмайди. Бу мавжуд тегишли вазиятда ўқувчи томонидан изланиши ва топилиши лозим. Ўқувчилар томонидан ижодий ақлий ҳаракатлар тизимини аста-секин ўрганилиши кўникма ва малакаларнинг йиғилишига, бундан ҳаракатлар тажрибаси эса ақлий фаолият сифатининг ўзгаришига, одатда, илмий, танқидий, диалектик деб аталадиган маҳсус типдаги фикрлашни яратишига олиб келади.


Ўқитиши жараёнига муаммоли ўқитиши технологиясини қўллаш учун ўқитувчи қуйидаги масалаларни ҳал қилиш:

1. Ўқув дастури бўйича мавзуларни муаммоли дарс шаклида ўтиш мумкинлигини;
2. Мавзу матнидаги масалалар бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар, топшириқларни аниқлаш, бунда дидактиканинг илмийлик, тизимлилик, мантиқий кетма-кетлик, изчилилк принципларига амал қилиш;
3. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усулларини аниқлаши, улардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш йўлларини белгилаш зарур.

#### Муаммоли таълимнинг дидактик ма=сади



#### Муаммоли таъимнинг асосий вазифалари





Муаммоли таълим – бу ўқувчилар илмий дунёқарашини шакллантиришнинг асосий усули бўлиб, инсоннинг билиш ва амалий фаолиятини бошқарвчи муайян шахсий субъектив йўлланма сифатида тушунилади.

Дунёқараши шакллантириш – бу биринчи навбатда шахснинг интеллектуал – фаоллигини шакллантиришdir. Илмий дунёқараши самарали шакллантиришнинг иккита муҳим шарти мавжуд:

- 1) ўқувчиларнинг тушунчалар тизимини ўзлаштиришга оид фаол интеллектуал фикрлаш фаолияти.
- 2) Инсоннинг ҳис-туйғуси ва эмоциясига таъсир этиш, унинг билимини эътиқодга айлантириш.

**Муаммоли таълим самарадорлиги кырсаткичлари**

**Муаммони кыра билиш ва англаш кыникмаси**



Ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабати характерига кўра муаммоли таълимни шартли равишда 4 даражага ажратиш мумкин:

<b>Муаммоли таълим даражалари</b>	<b>Ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти</b>
Мустақил бўлмаган (одатдаги) фаоллик даражаси	Ўқитувчи тушунтирганини ўқувчи томонидан идрок этилиши муаммоли вазиятлар шароитида ақлий меҳнат
Ярим мустақил фаоллик даражаси	Илгариги билимларни янги вазиятларда қўллаш ва ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан қўйилган ўқув муаммоларининг ечиш усулларини излашда иштирок этиш
Мустақил фаоллик даражаси	Репродуктив – изланиш типидаги ишларни бажариш, бунда дарслик матни билан ўқувчининг ўзи ишлайди, илгариги билимларини янги вазиятда қўлланади, конструкцияиди, ўртача мураккабликдаги масалаларни ечади, ўқитувчининг қўмаги билан гипотезаларни исботлайди ва ҳ.к.
Ижодий фаоллик даражаси	Ижодий тасавурни талаб этувчи, мантиқий таҳлил қилиш ва ўйлаб топишни, ўқув муаммоларини ечишнинг янги усулларини кашф этишни, мустақил исботлашни: мустақил хулоса ва умумлашмалар чиқаришни, кашфиёт ва бадиий иншолар ёзишни талаб қиласидиган мустақил ишларни бажариш

Муаммоли таълимни тадқиқот методи билан айнан бир нарса деб эмас, балки ўқувчи тафаккури ва унинг хотирасининг ривожланишини таъминлайдиган, билимларни ижодий ўзлаштиришига, илмий фактларни жамлашга кўмаклашадиган ҳамда эътиқодни таркиб топтирадиган таълимнинг бир тури деб қараш лозим.

Муаммоли таълим ҳамма ўқувчилар бопми? Амалда деярли ҳамма учун тушунарли. Бироқ муаммолилик савияси ва мустақил билиш даражаси ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига, уларнинг муаммоли таълим технологияси билан ўқитилганлик даражасига қараб фарқланади.

**Муаммоли таълим технологиясининг мущим воситалари**




**Саволлар**



**Билишга доир масалалар**

**Ӣ=ув топшири=лари**



**Дарслик**



**Кўрсатмалийк таълимнинг техник воситалари**



**Лаборатория ишлари амалий маш\улотлар**

Муаммоли таълим – ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчиларга фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малкаларни ижодий ўзлаштириш ва ақлий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этиш бўлиб, муаммоли таълимнинг муваффақияти қуидаги омилларга боғлик:

1. Ўқув материалини муаммолаштириш;
2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
3. Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш;
4. Ўқитувчи томонидан муаммоли методлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
5. Муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини тузиш ва мантиқий кетма-кетликда ўқувчиларга баён этиш.

Муаммоли методлар муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, ўқувчиларнинг муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва қонунларни таҳлил қилиш кўникмалари ва билимларни фаоллаштиришга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этади.

Муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини фикр юритишнинг мантиқий операциялари: таҳлил, синтез, таққослаш, аналогия, умумлаштириш, таснифлаш ва хулоса ясашга йўналтиради.

Муаммоли вазиятлардан ўқув жараёнининг барча босқичларда: янги мавзу баёни, мустаҳкамлаш ва билимларни назорат қилишда муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Муаммоли дарсларда ўқитувчининг фаолияти, аввало мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўқув муаммоларини аниқлаш, муаммоли вазиятлар тизимини яратиш, ўқувчилар олдига ўқув муаммоларини юқори илмий ва методик савияда қўйиш, дарсда мазкур ўқув муаммоларидан самарали фойдаланишга эришиш, ўқувчилар фаолиятини муаммоларни ҳал этишга йўналтиришдан иборат бўлади.

Ўқувчиларнинг фаолияти муаммоли вазиятларни идрок этиш, ҳал қилиш усулларини излаш, муаммони таҳлил қилиб, тахминларни илгари суриш, тахминларни илмий, мантиқий нуқтаи назардан асослаш, тахминларни текшириш ва улоса чиқаришдан иборат бўлади.

### **Муаммоли дарс структураси**

Структура – бу бутун предмет, ходиса, жараён томонлари, қисмлари, элементларининг мустаҳкам, нисбатан барқарор алақаси (муносабати) ва ўзаро ҳамкорлигидир.

Замонавий муаммоли дарс структурасида унинг типи ва туридан қатъи назар ҳар хил даражада ҳал қилинадиган учта умумлашган дидактик масалани кўрамиз:


- 1) ўқувчилар олдинги билимлари ва ҳаракат усулларини ўзлаштириш.
- 2) янги билимлар ва ҳаракат усулларини ўзлаштириш.
- 3) қўникума ва малакаларни таркиб топтириш.




Дидактикада муаммоли дасрларни муаммоли вазиятларнинг типига қараб характерлашга оид тадқиқотлар мавжуд. Шу ўринда Г.В.Артёмова ўз изланишлари ассоида муаммли дарсларни ташкил этишнинг бир неча вариантларини таклиф этади.

- Булар:
1. Версия характеристидаги даср.
  2. Қиёсий-умумлаштириш характеристидаги дарс.
  3. Маънавий-ахлоқий муаммоли дарс.

Версия характеристидаги дарс структураси



## **Қиёсий-умумлаштириш характеристидаги дарс структураси**



Дарснинг дидактика ва мантиқий-психологик структураси ўқитувчига назария сифатида, дарсни ташкил қилишнинг умумий қоидаларини тушунтириш сифатида берилади. Методик структурани ўқитувчи ўзи ўқув материалининг мазмуни, дидактик мақсади ва ўқувчиларнинг ўқишига бўлган тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб тузади. Унинг ижоди, санъати, унинг тақрорланмас индивидуаллиги ана шунда.

**Назорат саволлари:**

1. Муаммоли таълим нима?
2. Муаммоли таълим назарияси асосчилари кимлар?
3. Муаммоли ўқитишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
4. Қайси воситалар ёрдамида муаммолитаълим йўлга қўйилади?
5. Анъанавий ва муаммоли таълим дарс структурасини изоҳлаб беринг?

## **7-Мавзу: Замонавий таълимда ахборот технологияси**

### **Режа:**

1. Ахборот технологиясининг мақсад ва вазифалари.
2. Ахборот технологиясини тайёрлаш манбаалари.
3. Хозирги замон ўқитувчисининг ахборот технологияси.
4. Янги ахборот технологияларининг типлари.
5. Ўқитувчининг компьютерли янги педагогик технологиялари.

### **Таянч иборалар:**

1. Ахборот технология.
2. Замонавий ахборот технологияси.
3. Янги ахборот технологияси.
4. Ўқитишининг янги ахборот технологияси.
5. Ўқитувчининг ахборот маданияти.
6. Телекоммуникация воситалари.
7. Хисоблаш техникаси воситалари.
8. Ахборот технологиясининг ноанъанавий манбалари.
9. Компьютерли технологиялар.
10. Универсал типдаги ахборот технологиялар.

Педагогик олий ўқув юртлари ва университетларда бўлажак ўқитувчиларни мактаб ишига тайёрлаш тизимида янги ахборот технологияси билан қуроллантириш муҳим ўрни эгаллайди. Мактаб ўқитувчиси ишлаб чиқариш тараққиётининг келажаги, йўл-йўриқлари ва хусусиятларини билиши, шу билан биргаликда ўзи яшаб турган халқнинг анъаналари ва урфодатларидан хабардор бўлиши лозим. Аҳолининг руҳиятини, ижтимоий,

ахлоқий, мафкуравий, хуқуқий, майший, оилавий одатлари ҳақида янги ахборот олиб туриши ва буни ўз таълим тарбиявий ишларида фойдаланиши ахборот технологиясини вазифаларидан биридир. Бу янгича мазмун – ахборотларни ўқувчиларга маълум вақт чегарасида етказиш жараёнини тезлаштирувчи омиллардан биридир.

Асосий эътибор ҳозирги замон талаблари асосида ишлай оладиган мактаблар, болалар боғчаларида ижодкорлик, изланувчанлик билан меҳнат қилиш, тажриба ва синовлар ўтказишдан чўчимайдиган, таълим соҳасидаги ислоҳотлар йўналиши ва моҳиятини чуқур англайдиган, ўз касбига садоқатли ўқитувчи ва тарбиячиларни тарбиялаб беришга қаратилмоқда.

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини янги ахборотлар билан таминлаш ривожланади.

Ахборот технологиясининг яна бир мақсади инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш билан бирга умумий эмас, аниқ бир шахс тарбиясига қаратилгандир. Яъни ҳозирги ҳар бир ўқувчининг ва талабанинг бошқа зарур сифатлардан ташқари мустақил, эркин, хур фикрли бўлиб вояга этишга бутун дикқат эътибор қаратилган. Ҳозирги янги педагогик технология, таълим стандартлари, улар асосида тайёрланаётган дарсликлар ва қўлланмалар ўзининг мазмун-моҳияти билан ёшларнинг ана шундай мустақил фикрли қилиб тарбиялашга қаратилган.

Шу нуқтаи назардан «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янгиланиши табиий ҳол. Лекин мазкур қонунни олдинги қонундан фарқли равища яна бир муҳим хужжат «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» билан биргаликда қабул қилиниши унинг аҳамиятини яна ҳам такомиллаштириб юборди. Чунки миллий дастурда таълим тизимимиз эришган муваффақиятлар, ҳал этилган муаммолар, таълимни ислоҳ қилишни унда кўзда тутилган барча мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ахборот берилган.

Ахборот технологиялари ва уларнинг таълимда қўллаш. «Ахборот технологияси» ҳақида тушунчаларни ойдинлаштириш учун қуйидаги

мисолга мурожаат қиласи: Республикаизда ҳар куни юзлаб рўзномалар чоп этилади. Ҳар қандай рўзномаларни тайёрланиши энг аввало турли манбалардан (маллифлардан, ахборот агентликларидан) олинган ахборотларни саралаш ва таҳлил этиш чиқишдан бошланади. Мазкур жараён натижасида танланган материаллар таҳлил учун муҳаррирга берилади. Улар чоп этишга тайёр бўлгач, рўзномаларни сахифаларга жойлаштириш мақсадида яна бир бор кўриб чиқилади ва ҳар бир материал учун талаб этилаётган сатҳ аниқланади. Энди ана шу сатҳларни рўзноманинг сахифаларига жойлаштираб чиқилади ва шу тариқа рўзномаларнинг бўлғуси сони макети тайёр бўлади. Бу макет чоп этиш учун босмахонага топширилади. Ҳарф терувчилар мос шрифт танлаб бўлгач, рўзнома кўплаб нусхада чоп этилади. Кўриниб турибдик, бир қанча жараёнлар босқичмабосқич бажарилмоқда. Мазкур жараёнлар рўзномаларни чоп этиш технологиясини ташкил этади. Демак, технология деганда маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар занжиридан иборат яратувчилик фаолияти тушунилади.

Ахборотларни қабул қилиб қайта ишлаш ва янги ахборотни яратиш билан шуғулланувчи технологияларни компьютер асосида жорий этиш янги ахборот технологияларини (ЯАТ) вужудга келтирас экан. Ҳозир замонавий мутахассисни унинг компьютер саводхонлигисиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки замонавий ишлаб чиқариш ва уни бошқа жараёнларни ЯАТ дан у ёки бу даражада фойдаланишини тақозо этади. Шу талаблар даражасида келиб келиб чиқиб ЯАТ икки гурухга бўлинади:

1. Матн процессорлари, электрон жадваллар, маълумотлар жумласи, график муҳаррир, мульти модел ва телекоммуникацион технологиялар. Бу ахборот технологияларини универсал типдаги янги ахборот технологиялари дейилади.
2. Маълум бир тор йўналишдаги касбий фаолиятда ишлатилувчи маҳсус янги ахборот технологияларидир. Буларга рўзномани чоп этиш, бухгалтерлик

хисобини амалга ошириш, компьютерли анимация ва лойиҳалар тайёрлаш каби компьютерли технологиялар киради.

Ана шундай маҳсус ЯАТ ларнинг ҳозирда унчалик ривожланмаган, лекин келажаги порлоқ бир қисми ўқитишнинг янги ахборот технологиялари (УЯАТ) ни ташкил қилади. Юқоридаги таърифга кўра УЯАТ ҳар қандай таълим технологиясининг асосий қисми бўлиш билан ахборот бериш ва уни қабул қилиш жараёнларнинг компьютерлаштириш жараёнида вужудга келади. УЯАТ нинг универсал типдаги фарқи шундаки, оммавий ЯАТ ўқувчилар томонидан қандайдир бир ижобий ишни (деворий газетани безаш, прасм чизиш, мусиқа яратиш ва ҳоказо) амалга ошириш учун ишлатилади. УЯАТ эса ўқувчини эмас, у энг аввало ўқитувчининг технологиясидир. Ўқувчи УЯАТ ни ўрганмайди, балки унинг маҳсулотидан ўқитишнинг воситаси сифатида фойдаланади. Ўқитувчи УЯАТ ни қўллаб дарсга тайёрланади, дарсни ташкил қилади. Ўқувчилар билишини назорат қилади ва уларга уй вазифаларини беради. Ҳозирги кундаги ва яқин келажақдаги таълим тизимини такомиллаштиришда компьютерлаштиришни энг юқори даражаси УЯАТ нинг янгиларини яратиш ва уларни таълим жараёнига олиб киришдан иборат.

УЯАТ дан таълим тизимида фойдаланиш ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам куйидаги қулийликларни яратади:

1. Замонавий УЯАТ ўқувчиларга ахборотни ноанъанавий манбаларига мурожаат қилиш имкониятини очиб беради. Мустақил ишлари самарадорлигини оишарди ва ижодий фаолият билан шуғулланишлари учун кенг имконият беради.

2. УЯАТ қўйилган дидактик мақсадларни амалга ошириш учун ўқитувчиларга ўқитишнинг турли шаклларидан фойдаланиш имкониятини беради. УЯАТ дан фойдаланар экан, ўқитувчи компьютерлаштирилган ўқитиш ва назорат қилиш дастурларини ўз талабига кўра ўзгартириш имкониятига эга бўлади.

3. УЯТ ни қўллаш орқали ўқитувчилар ўқувчи шахсини ривожлантириш, ижодий изланиш ва биргаликда ишлаш, ўқув дастурларини энг мақбулларини танлаш ёки янгилирини яратиш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади.

4. Телекоммуникация тармоқларидан фойдаланишга асосланган ЯАТ ни қўллаш натижасида ўқувчилар ўзини ахборот билан таъминланганлик даражаларини оширибина қолмай, балки деярли бутун дунёдаги ҳамкаслар билан мулоқот қилишдек ажойиб имкониятга эга бўлади.

Бу вазифаларни бажариш йўлида яқин йиллар ичida қуидаги ишлар қилиниши мақсадга мувофиқдир:

1. Компьютерлаштиришнинг ҳар иккала тизими ҳам ривожланиб боради. Бунинг учун шу соҳада қабул қилинаётган меъёрий, хуқуқий хужжатларга асосланган ҳолда узлуксиз таълим тизимини мактабгача тарбия тизимидан тортиб, кадрлар малакасини ошириш босқичигача бўлган барча бўғинларини компьютерлаштириш тизимини вужудга келтириш керак.

2. Таълим муассасаларини энг камида тўртинчи авлодга мансуб хисоблаш техникаси билан таъминлашни йўлга қўйиш ва компьютерларни мультимедиа воситалари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

3. Ҳозирда жуда ҳам оз бўлган ўқитишининг янги ахборот технологиясини яратиш билан шуғулланувчи алоҳида илмий-методик марказ тузилмоғи ва унда тажрибали методистлар ва малакали дастурчиларни биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш лозим.

4. Телекоммуникация воситлари ва компьютерлараро тармоқлардан фойдаланиш асосида масофадан ўқитиши тамойилларини таълим тизимиغا жорий этиш лозим.

Шундай қилиб, УЯТ ўқитувчи ва ўқувчиларни билим олиш йўлидаги асосий омиллардан бўлиб қолади.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ахборот технологиясини мақсади нима?
2. Ўқитишнинг янгги ахборот технологиясининг (УЯТ) вазифаси нималардан иборат?
3. Янги ахборот технологиясининг (ЯАТ)асосий манбалари нима?
4. Ҳозирги замон ўқитувчисининг ахборот технологияси деганда нимани тушунасиз?
5. Янги ахборот технологияларини (ЯАТ) типларга ажратинг?
6. Универсал типдаги ахборот технологияларини сананг?
7. Касбий ахборот деганда нимани тушунасиз?
8. Ахборотни қандай узатилади?
9. Ўқитувчининг ахборот маданияти нима?
10. Ўқувчиники-чи?

**Фойдаланиш учун адабиётлар;**

1. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». «Маърифат»-1998 йил 1 апрель.
2. «Халқ таълими» журнали. Тошент-1998 йил 4-сон.
3. «Халқ сўзи » рўзномаси. Тошкент-1999 йил 13 октябрь.
4. «Маърифат рўзномаси». Тошкент – 1998 йил 1 апрель.

# МАЪЛУМОТНОМА

## Корабоева Зоҳида Тўланбоевна



У 2003 йилдан буён:

Наманган Давлат университети педагогика факультети педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси лавозимида ишлайди.

**Туғилган йили:**

1969.03.24

**Туғилган жойи**

Наманган вилоят Янгиқўргон тумани Заркент қишлоғи

**Миллати:**

Ўзбек

**Партиявийлиги:**

йўқ

**Маълумоти:**

Олий

**Тамомлаган:**

1990 йилда НДПИ

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:**

Педагогика ва психология уқитувчisi

**Илмий даражаси:**

Илмий даражаси олмаган

**Илмий унвони:**

Йўқ

**Қайси чет ва МДҲ халқлари тилларини билади (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**

Рус тили, инглиз тилларини билади.

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қаннақа):** мукофот олмаган

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**

Депутат эмас, сайланмаган

### МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

қачондан	қачонгача	Иш жойи ва лавозими
1986	1990	НДПИ талаба
1990	1993	НДПИ педагогика ва психология кафедраси ўқитувчisi
1993	1999	НамДУ «Педагогика назарияси ва тарихи» мутахассислиги аспирант
1999	x/b	НамДУ педагогика кафедраси ўқитувчisi

**Қорабоева Зохида Тўланбоевнанинг  
яқин қариндошлари**

қанақа қариндош	Ф.И.Ш.	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Турар жойи
<b>Отаси</b>	Қорабоев Тўланбай	1942 Янгиқўрғон т	нафақада	Янгиқўрғон т. Заркент қишлоғи
<b>Онаси</b>	Тўхтабоева Саодатхон	1946 Янгиқўрғон т	нафақада	Янгиқўрғон т. Заркент қишлоғи
<b>Турмуш ўртоғи</b>	Ёқуббоев Хабибулло	1966 уйчи туман Уйчи қишлоғи	Уйчи туман 49 ўрта мактаб ўқитувчisi	Уйчи туман Ирисметов кўчаси 6.
<b>Ўғли</b>	Хамидбоев Илхомжон	Уйчи т 1995	Уйчи т. 26-сон мактаб ўқувчи	Уйчи туман Ирисметов кўчаси 6.
<b>қайнотаси</b>	Ёқуббоев Хамидбай	1939 Уйчи туман Уйчи қишлоғи	нафақада	Уйчи туман Навоий кўчаси 119
<b>қайнонаси</b>	Ёқуббоева Санобар	1936 Уйчи туман Уйчи қ	Вафот этган	